

Нажот кемасидан қолиб кетманг

Доктор Мұхаммад ибн Абдурраҳмон ал-Арифий

Ислом Нури таржимаси

Алҳамду лиллаҳ, вассолату вассаламу ала росулиллаҳ..

Ва баъд..

Биринчи қисса:

У маҳзун ва ғамгин ҳолда ҳузуримга кириб ўтирди, сўнг деди:

- Эй шайх, ғурбатдан зериқдим...
- Илоҳим, тезроқ ахли оилангиз ва диёргингизга қайтиш насиб бўлсин...

Юраги тўлиб турган экан, йиғлаб юборди, сўнг хўрсиниб деди:

– Аллоҳга қасамки, эй шайх, уларни қанчалар соғинганимни, улар ҳам мени нақадар соғинишганини билсангиз эди. Ишонасизми, онам 400 милдан ортиқ йўл босиб, фалон валийнинг қабрига фақат мени соғ-саломат қайтаришини сўраб дуо қилиш учун борибдилар... У зот дуоси мустажоб бўлган муборак зотлардан... Мусибатларни аритади. Дуо қилувчиларнинг дуосини эшитади. Ҳатто вафотидан кейин ҳам!!..

Иккинчи қисса:

Буни устозимиз аллома Абдуллоҳ ибн Жибрийн айтиб бергандилар:

Арафотда эдим. Одамлар эҳромга ўралган ҳолда қўлларини ягона Подшоҳ ва ҳамманинг ҳолидан хабардор Зотга кўтариб, йиғи-сиғи билан дуога машғул эдилар..

Ана шундай хушуъ ва хузуъ билан самодан раҳмат тилаб қилинаётган дуолар ичida бирдан диққатимни бир овоз ўзига тортди. Ўгирилиб қарасам, ёши бир жойга бориб қолган бир мўйсафид ҳўнграб йиғлаган қўйи: «Эй фалончи пиrim! Мендан мусибатимни аритишинизни сўрайман.. Менга шафоатчи бўлинг.. Ўзингиз менга раҳм қилинг», деб такрорларди. Юрагим зириллаб, вужудимга титроқ югурди. Унга яқинлашиб: «Отахон, Аллоҳдан қўрқинг! Қандай қилиб Аллоҳдан ўзгага дуо қиласиз?! Ҳожатларингизни Аллоҳдан бошқасидан сўрайсиз?! Ғийлоний ҳам бир банда.. У сизни эшитмайди, дуоларингизни ижобат қилишга қодир эмас..

Дуолар ижобат қилинадиган ўринда турибсиз, ягона ва шериксиз Аллоҳнинг ўзидан сўраб қўя қолинг!», дедим.

У менга қараб қовоғини уйганича: «Йўлингдан қолма, эй, чол! Сен фалончи пиримнинг Аллоҳ наздидаги қадр-қимматларини қаердан ҳам билардинг! Иймоним комилки, у зоти бобаракотнинг изнларисиз осмондан бир томчи ёмғир ҳам ёғмайди, ердан бир гиёҳ ҳам унмайди!!», деб жеркиб берди.

«Астағфируллоҳ! Аллоҳга нима иш қолади унда?!», дедим мен.

У менинг шу гапимдан сўнг шартта ўгирилиб, нари кетди..

Учинчи... Тўртинчи... Бешинчи...

Бундай воқеаларни санаб, адогига етиш осон бўлмаса керак..

Субҳаналлоҳ.. Ҳақиқий ҳожаларидан бошқага илтижо қилаётганлар, ҳожатларини ўликлардан талаб қилаётганлар, ғамларини жонсиз жасадларга, чириган суюкларга арз қилиб йиғлаётганлар.. У бечоралар Аллоҳдан нақадар узоқлашиб кетишган.. Аллоҳки, ягона ҳақиқий Подшоҳ.. Аллоҳки, ҳомиланинг яралиш жараёнларини-да билади.. Аллоҳки, мусибатга йўлиққанларнинг дуоларини эшишиб туради.. Аллоҳки, бандалари Ундан бошқага дуо қилишларига асло рози бўлмайди..

Йиғламоқчи бўлсангиз, умматнинг ҳолига йиғланг. Мусулмон ўлкаларига бир назар солинг, саноқсиз мозорлар-у сағаналарни, қабрлар узра кўкка бўй чўзган қуббаларни мусибатдорларнинг нажотгоҳига, қайғуга ботганларнинг бош уриб борадиган илтижогоҳига айланганини кўрасиз.. Болалар шу билан улғаймоқдалар, катталар шу билан қартаймоқдалар.

Қуидаги сўзларимиз, дилдан отилган ҳайқириқ ва нидоларимиз, даъват ва чақириқларимиз улар учун. Жаҳолат ва ширк гирдобига ғарқ бўлиб бораётган эркагу аёлга, каттаю кичик ва ёшу қарига. Нажот кемасидан қолиб кетиб, мушрик ҳолда дунёдан ўтиб кетаётган, ўзларини эса мусулмон санаб юрган кишиларга қаратилган. **У тавҳид кемасидир.** Худди Нуҳ алайҳиссалом кемасидек... Унга минган одам нажот топади, қолиб кетган ҳалок бўлади..

Ислом диёрларида кўриб турибмиз.. Қанча-қанча ёру-дўстлар, қариндошлар, қўни-қўшнилар, таниш-билишлар дунё ҳаётида адашиб юрибдилар.. Шу ҳолларида ўзларини яхши иш қилиб юрган ҳисоблайдилар.

Ушбу китобча уларнинг ҳаммаси учун ягона ва шериксиз Аллоҳга ибодат қилишга даъват ўлароқ ёзилди.

Доктор Муҳаммад ибн Абдурраҳмон ал-Арифий
Ақида ва замонавий мазҳаблар соҳасида фан доктори

Талотўп дунё

Дунё мушриклар билан тўлганди.. Бирори бутга сифинар, бошқаси қабрга илтижо қилар, яна кимдир инсонни ўзига илоҳ тутган, яна бириси дарахтни улуғларди..

Роббилари уларга боқиб, ажами-ю, арабига ғазаб қилди.. Фақат ахли китоблардан сақланиб қолган бир мунча тавҳид аҳлигина бундан қутулиб қолди..

Йўл йўқотган мазкур кишилар ичида араб саййидларидан бир саййид ҳам бор эди. Унинг исми Амр ибн Жамуҳ эди.

Унинг Маноф отлик бир бути бор бўлиб, унга сифинар, бош эгиб, сажда қиласади.

Маноф унинг мусибатлар пайтида топинадиган, ҳожатларини сўраб ялинадиган илоҳи эди.

Манофни у ўзи ёғочдан ясаб олган эди.. Бироқ, Маноф у учун ахли-оиласидан ҳам, мол-давлатидан ҳам суюмлироқ эди..

Уни ҳаддан ортиқ улуғлар ва таъзим бажо келтиради.. Зийнатларга ўраб қўйган, энг олий хушбўйликлар ва либосларга буркаб қўйганди.

Дунёга келганидан тортиб шу алфозда яшаган, ёши ҳам олтмишдан ўтиб қолганди..

Маккада Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам пайғамбар қилиб юборилганларидан сўнг у зот Мусъаб ибн Умайр розияллоҳу анхуни Мадина аҳлига даъватчи ва муаллим қилиб юборганларида Амр ибн Жамуҳнинг уч ўғли оналари билан бирга Исломни қабул қилдилар. Отанинг эса бундан хабари йўқ эди.

Ўғиллар оталари ҳузурига келиб, унга мазкур даъватчи ва муаллим ҳақида сўзлаб бердилар, унга Қуръон ўқиб бердилар, сўнг: «Отажон, кўпчилик унга эргашмоқда, сиз ҳам эргашсангиз қандай бўларкин?!», дедилар.

У: «То Маноф билан кенгашиб, унинг фикрини олмагунимча бундай қилмайман», деб жавоб берди.

Сўнг у Маноф олдига келди. Одатда, бут-санамлари билан гаплашмоқчи бўлсалар, унинг ортига бир кампирни қўйишар, бут ўзи айтмоқчи бўлган гапини унга илҳом қиласади ва у унинг гапини бизга етказади деб ишонишарди..

Амр оқсоқланганича бутининг олдига борди – унинг бир оёғи калтароқ эди – ва соғ оёғини тик тутиб, Манофга таъзим ва эҳтиром бажо келтириб турди, унга

ҳамду санолар ёғдирганидан кейин мақсадга күчди: «Эй Маноф! Шубҳа йўқки, сен шахримизга келган бу одамнинг хабарини яхши биласан.. У сендан бошқа ҳеч кимга бирон ёмонлик истамаяпти.. Фақат сенга сигинишдан бизни ман қилмоқда.. Нима дейсан, маслаҳат бер, эй Маноф..». Бут жавоб қайтартмади. Яна қайта сўзлади.. Яна бир оғиз жавоб бўлмади.

«Ғазабинг келди шекилли.. Майли, то ғазабинг босилгунича мен бир неча кун бу ҳақда оғиз очмайман».. Шундай дея Амр бутидан узоқлашди.

Тун қоронғулиги чўккач, ўғиллари Маноф олдига келишди.. Уни кўтариб олиб чиқиб, ахлатхонага улоқтиришди.

Тонг отгач, Амр бутига салом бергани кириб, уни ўрнида топмади ва бор овози билан: «Эвоҳ! Кимdir тунда бутимизга тажовуз қилибди! Қай бирингиз қилди бу ишни?!», деб ўкирди. Ўғиллари индамай туравердилар..

Безовта бўлиб, асабийлашган ҳолда уйларни бирма-бир қараб чиқди. Сўнг ташқарига чиқди ва бутни ахлатхонада оёғи осмондан бўлиб ётган ҳолда топди. Уни ахлатлар орасидан чиқариб олиб, хушбўйликлар суртиб, ўрнига олиб кириб қўйди. Сўнг унга қараб: «Эй Маноф, бу ишни ким қилганини билсан, уни жуда ёмон қиласман», деди..

Иккинчи кеча ҳам ўғиллари бутни олиб чиқиб, кечаги жойга улоқтиришди..

Қария тонг пайти бутини яна ўрнида топмади.. Ғазабланиб, бақириб-чақириб, уни ҳалиги ахлатхонадан чиқариб, ювиб-тозалаб, хушбўйлантириб, ўрнига олиб кириб қўйди..

Бир неча кунгача шу аҳвол такрорланди, ҳар кеча болалари бутни олиб чиқиб, улоқтиришар, ота шўрлик тонгда туриб, уни ўз ўрнига қайтарарди..

Охири тоқати тоқ бўлган Амр уйқуга ётишдан олдин Маноф ҳузурига келиб: «Шўринг қурсин, эй Маноф! Эчки ҳам ўзининг кетини ҳимоя қиласди ахир!» деб хитоб қилди ва бутнинг бўйнига бир қилични осиб: «Душманингдан ўзингни ҳимоя қилиб ол!», деб чиқиб кетди.

Тунда йигитлар келиб, бутни олиб чиқдилар ва ўлган итнинг жасадига қўшиб боғлаб, ахлатхонага улоқтирилар.

Тонг отгач, қария Манофни қидириб чиқиб, шу аҳволда топди. Унга хитобан: «Бошига тулкилар бавл қилиб кетган худони кўринг.. Тулкиларнинг сийдигига булғанган худонинг боридан йўғи яхши» деган мазмунда шеър ўқиди..

Сўнг Аллоҳнинг динига кирди. Дин майдонларида солиҳлар билан мусобақалашадиган даражага етди..

Қаранг.. Мусулмонлар Бадр жангига чиққанларида ўғиллари уни кексайиб қолгани ва оёғи соғ бўлмагани учун жангга чиқишдан тўсдилар. Шунда у қандай қилиб бўлмасин, урушга чиқмоқчи бўлганида ўғиллари Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга шикоят қилдилар ва у зотнинг амрлари билан Амр Мадинада қолди.

Ухуд жангни бўлганида Амр яна жиҳодга чиқишига отланди, ўғиллари яна уни ман қилдилар. Шунда у кўзида ёш билан Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хузурларига борди ва: «Ё Расууллоҳ, ўғилларим мени сиз билан жангга чиқишдан тўсмоқчи бўлишаяпти», деб шикоят қилди.

«Аллоҳ сизни маъзур санаган», дедилар Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам.

«Бироқ, ё Расууллоҳ, Аллоҳга қасамки, мен шу оқсоқ оёқларим билан жаннатга қадам қўйишни истайман», деди у.

Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга жангга чиқишига изн бердилар.

У қуролини қўлга оларкан: «Эй Парвардигор, менга шаҳидликни насиб этгин ва мени аҳлимга қайтармагин», деб дуо қилди..

Жанг майдонига етиб боришгач ва уруш бошлангач, Амр бутпастларга қарши паҳлавонларча олишди ва шу куни шаҳидликка эришди.

Амр розияллоҳу анҳу шаҳидлар билан бирга дафн этилди ва Аллоҳнинг инъомига сазовор зотлар қаторидан ўрин олди..

Орадан қирқ олти йил ўтгач, Муовия розияллоҳу анхунинг халифалик даврида Ухуд шаҳидлари дафн этилган мақбарага кучли сел келиб, қабрларни сув босди.

Мусулмонлар шаҳидларнинг жуссаларини кўчиришга шошилдилар.. Амр ибн Жамуҳнинг қабрини очишганида уни худди ухлаб ётгандек ҳолда, жасади юмшоқ, оёқ-қўллари букиладиган ҳолда топдилар. Ер унинг жасадидан бирор жойини ҳам емаган эди..

Ўйлаб кўринг, ҳақ аниқ бўлганидан сўнг унга қайтгани боис Аллоҳ таоло унинг хотимасини чиройли қилди.

Қаранг, ҳали охират бўлмасидан шу дунёнинг ўзида ҳам Аллоҳ таоло унинг кароматини изҳор қилди.. Сабаби, у «Ла илаҳа иллаллоҳ»ни ҳаётида исботлаган эди.. Зеро, бу калима самовоту ер у сабабли барпо бўлиб турган, Аллоҳ таоло барча маҳлуқотни у билан табиатлантирган ва банданинг жаннатга киришига сабаб бўлувчи калимадир.. Жаннату дўзах у сабабли яратилган.. Халқлар у билан мўмину кофирга, яхши ва ёмонга ажралганлар.

Банда Аллоҳ ҳузурида то иккита саволга, яъни кимга ибодат қилардин ва пайғамбарларимга нима деб жавоб қилгансан, деган саволларга жавоб бермасидан туриб, қадамлари силжимайди.

Нажот кемаси

Қанча инсонлар тавҳидни рўёбга чиқармагани сабабли ҳалок бўлувчилар билан бирга ҳалок бўлиб кетдилар, то қиёмат кунигача лаънатга сазовор бўлдилар.

Аллоҳ ягона Парвардигордир. Банда фақат Унга таваккул қилмоғи, ёлғиз Ундан умид қилмоғи лозим.. Ундангина қўрқмоғи, фақат Унинг исми билан қасам ичмоғи, Унгагина назр қилмоғи, Унгагина тавба қилмоғи зарур..

«Ла илаҳа иллаллоҳ» деб гувоҳлик бериш фақат шу билан амалга ошади.. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло ушбу шаҳодат калимасига ҳаққи-рост гувоҳлик берган бандага дўзахни ҳаром қилган.

Бир куни Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ортларида бораркан, у зот бирдан унга ўгирилиб, сўраб қолдилар:

- Эй Муоз, Аллоҳнинг бандалар устидаги ҳаққи ва бандаларнинг Аллоҳ устидаги ҳаққини биласизми?

- Аллоҳ ва Расули билувчироқ, - деб жавоб бердилар Муоз.

- Аллоҳнинг бандалар устидаги ҳаққи Унинг Ўзигагина ибодат қилишлари ва бирон нарсани унга шерик қилмасликлари. Бандаларнинг Аллоҳ устидаги ҳаққи Унга бирон нарсани шерик қилмаган бандасини азобламаслиги, - дедилар (Муттафақун алайҳ).

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, бир киши: «Ё Расулуллоҳ, қай бир гуноҳ Аллоҳ наздида энг катта гуноҳ ҳисобланади?» деб сўради. «Аллоҳга бошқа бирорни тенг билиб ибодат қилишинг, ваҳоланки У сени яратган», дедилар (Муттафақун алайҳ).

Ҳа.. Аллоҳ таоло пайғамбарларни шу тавҳид туфайли юборган. Аллоҳ таоло айтади: **«Аниқки, Биз ҳар бир умматга: «Аллоҳга ибодат қилинглар ва тоғутдан йироқ бўлинглар»**, (деган ваҳий билан) **бир пайғамбар юборганимиз»** (Наҳл: 36). Аллоҳдан ўзга сифиниладиган ҳар бир нарса, у бут-санам ё тош бўлсин, қабр ё дараҳт бўлсин, ҳаммаси тоғутдир.

Аллоҳ таоло айтганидек, тавҳид пайғамбарларнинг энг биринчи вазифалари эди: «(Эй Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **Биз сиздан илгари юборган пайғамбарлардан сўраб** (яъни улар келтирган диний таълимотларни ўрганиб) **боқинг-чи, Биз Раҳмондан** (яъни Ўзимдан) **ўзга ибодат қилинадиган «илоҳ»лар қилғанмиканмиз?!** (Йўқ, барча пайғамбарлар ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишга даъват этгандирлар!)» (Зухруф 45).

Аслида, халқлар ҳам фақат ягона Аллоҳга ибодат қилиш учунгина яратилғанлар: **«Мен жин ва инсни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим»** (Ваз-зарият: 56).

Амалларнинг қабул бўлиши ёлғиз тавҳидга боғлиқ: **«Агар улар мушрик бўлғанларида қилган амаллари беҳуда кетган бўлур эди»** (Анъом: 88).

Тавҳидни рўёбга чиқарган кишигина нажот топади. Имом Термизий ривоят қилған сахих ҳадиси құдсийда келганидек: «Аллоҳ таоло деди: «Эй Одам боласи, агар сен ҳузуримга ер юзини қоплайдиган гуноҳлар билан келсанг ва Менга ҳеч нарсани шерик қилмаган ҳолда рўбарў бўлсанг, мен сени ер юзини қоплайдиган мағфират билан қарши оламан!»».

Тавҳид масаласи ғоят буюк иш бўлганидан пайғамбарлар ҳам уни бой бериб қўйишдан доим хавф қилғанлар.

Муваҳҳидлар отаси, бутларни парчалаб ташлаган, Байтул Ҳаромни қурған зот – Иброҳим алайҳиссалом Аллоҳ таолога ёлвориб: **«Мени ва болаларимни бутларга ибодат қилишдан йироқ қилгин»** (Иброҳим: 35), деб дуо қилғанлар. У зотки, шундай деб турған бўлсалар, бошқаларга хотиржамликка йўл бўлсин!

Йўлдан озишнинг бошланиши

Илк бор ширк Нуҳ алайҳиссаломнинг қавмида бошланган эди.

Аллоҳ таоло Нуҳ алайҳиссаломни пайғамбар қилиб юборди.. У уларни ширқдан қайтарди.. Унга итоат қилған ва тавҳид йўлини тутганлар нажот топдилар..

Ширкида қолганларни Аллоҳ таоло тўфон балоси билан ҳалок қилди.

Нуҳ замонларидан кейин одамлар анча вақтлар тавҳид узра қолдилар.

Кейинчалик Иблис бузғунчилик бошлади.. Бандалар орасида ширкни ёйди..

Аллоҳ таоло хушхабар берувчи ва огоҳлантирувчи қилиб пайғамбарлар юбориб турди..

Охири У сўнгги пайғамбари Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни юборди.

У зот тавхидга чақирдилар, мушрикларга қарши жиҳод қилдилар, бутларни вайрон қилдилар..

Уммат у зотдан кейин тавхид устида давом этиб келди..

Кейин бориб-бориб умматнинг бир қисмига авлиёлар ва солиҳларни улуғлашлари ортидан ширк кириб келди..

Ҳатто, азиз-авлиёлар қабрлари устида сағаналар бинога келди.. Дуо-илтижолар, мадад сўрашлар уларга қаратиладиган, қурбонлик ва назрлар уларга аталадиган бўлди.

Ушбу ширкларини солиҳларга муҳаббат ва уларнинг шафоатларига эришиш деб атадилар.. Уларга муҳаббат қўйиш ва қабрларини улуғлаш бизни Аллоҳга яқинлаштиради, деб даъво қилишди..

Аввалги мушрикларнинг даъволари ҳам айни шу бўлганини унутишди.. Чунки, улар ҳам ўз бутлари ҳақида: «**Биз** (ўша «худо»ларимизга) **фақат улар бизни Аллоҳга яқин қилишлари учунгина ибодат қилурмиз**», дейишарди (Зумар: 3).

Қизифи, агар уларга қилаётган бу ишларингиз ширк, деб айтсангиз: «Йўқ, биз тавхид аҳлимиз, Раббимизга ибодат қиламиз», дейишади..

Уларнинг даъвосича, тавхиднинг маъноси Аллоҳнинг борлигига ва Унинг бошқалардан кўра ибодатга лойиқроқ эканига иқрор бўлишдир..

Бу эса ноқис тушунчадир.. Балки, умуман тавхид ҳақидаги ботил тушунчадир.

Йўқса, Абу Жаҳл ва Абу Лаҳаблар ҳам айни тушунчага кўра, муваҳҳид саналиши керак бўлади.. Чунки, улар ҳам Аллоҳ ибодатга лойиқ энг улуғ илоҳ деб ишонишарди.. Бироқ, шу билан бирга бошқа олиҳаларни Унга шерик қилишар ва уларни Унга етказувчи ва Унинг ҳузурида ўзлари учун шафоатчи деб гумон қилишарди.

Ҳикоят

Байҳақий ва бошқалар ривоят қиласидилар:

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам одамлар орасида ўз даъватларини ошкор қилганларида Қурайш кофиirlари одамларни у зотдан беҳдиришга уриндилар, у кишини сеҳргар, фолбин, мажнун деб атадилар.

Лекин, кўрдиларки, у зотга эргашганлар кундан кунга кўпайиб бормоқда.

Шундан сўнг у зотни мол-дунё билан ўзларига оғдиришга иттифоқ қилишди.

Улуғларидан бирини – Ҳусайн ибн Мунзир ал-Хузоъийни у зот ҳузурларига юборишди.

Хусойн келиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга деди: «Эй Мұхаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), сиз бизнинг жамоатимизни бузиб ташладингиз, бирлигимизга путур етказдингиз, у қилдингиз, бу қилдингиз... Агар сизга мол керак бўлса, мол-дунё йигиб берайлик, ичимиизда энг бойимиз бўлинг.. Агар хотинларни истасангиз, энг чиройли аёлларга уйлантириб қўяйлик.. Агар подшоҳлик истасангиз, сизни ўзимизга подшоҳ қилиб кўтарайлик..». У шу каби гаплар билан у зотни ўзларига оғдиришга роса ҳаракат қилди.. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам жим қулоқ солиб ўтиридилар..

У гапини тугатгач: – Гапириб бўлдингизми, эй Абу Имрон?, – дедилар.

У: – Ҳа, – дегач, – Унда менинг биттагина саволимга жавоб беринг, – дедилар.

– Майли, сўранг, – деди Ҳусойн.

– Эй Абу Имрон, сиз нечта илоҳга сифинасиз?, – деб сўрадилар.

– Еттита илоҳга, олтитаси ерда, биттаси осмонда, – деб жавоб берди у.

– Агар мол-ҳолга ҳалокат етса, қай бирига дуо-илтижо қиласиз?

– Осмондагисига илтижо қиламан.

– Қаҳатчилик етса, қай бирига дуо қиласиз?

– Осмондагисига дуо қиламан.

– Аҳли-аёлга очарчилик етса, қай бирига дуо қиласиз?

– Осмондагисига дуо қиламан.

– Ёлғиз Унинг Ўзи дуоларингизга ижобат қиладими ё бошқалари ҳам ижобат қилишга қодирми?

– Йўқ, ёлғиз Ўзи ижобат қилади.

– Дуоларингизни ёлғиз Унинг Ўзи ижобат қилса, фақат Угина сизга инъом қилса-ю, шукрда уларни шерик қилсангиз.. Ё у олиҳалар Унинг устидан зўрлик қилиб кетишадими?

– Йўқ, улар бунга қодир бўлишмайди.

– Ундан бўлса, эй Ҳусойн, Исломни қабул қилинг.. Мен сизга бир неча сўзларни ўргатаман, улар билан Аллоҳ сизга ёрдам беради..

Ривоятда айтилишича, у Исломни қабул қилган ва Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга дуолар ўргатган эканлар.

Ҳақиқат

Ҳа, улар Лот ва Уззога сифинишарди.. Лекин, уларни Буюк Илоҳга, яъни Аллоҳ жалла жалолуҳуга яқинлаштирувчи бир асбоб-восита ўрнида кўришарди.. Аллоҳ

хузурида шафоатчи бўлишлари учун турли хил ибодатларни уларга атаб қилишарди. Шунинг учун ҳам улар ҳақида: «**Биз** (ўша «худо»ларимизга) **фақат улар бизни Аллоҳга яқин қилишлари учунгина ибодат қилурмиз**», дейишарди (Зумар: 3).

Улар Аллоҳгина яратувчи, ризқ берувчи, тирилтирувчи ва ўлдирувчи эканига ишонардилар. «**Қасамки, агар улардан «Осмонлар ва ерни ким яратган?» деб сўрасангиз албатта «Аллоҳ» дерлар. Сиз «Аллоҳга ҳамду-сано бўлсин», денг. Йўқ, уларнинг кўплари** (ана ўша Аллоҳгагина ибодат қилиш зарур эканини) **билмаслар**» (Луқмон: 25).

«Сахиҳайн»да ва бошқа ҳадис тўпламларида Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадина атрофларини кузатиш топшириғи билан Нажд тарафга бир неча отлиқни юбордилар. Суворийлар йўлда эҳром боғлаб, қилич осиб олган бир кишига дуч келдилар. У куйидагича талбия айтиб борарди: «Лаббайкаллоҳумма лаббай.. Лаббайка ла шарийка лак.. Илла шарийкан ҳува лак.. Тамликуҳу ва ма малак..» (Маъноси: Парвардигорим, Сенга лаббай (амрингга ҳозирман).. Сенга лаббай, Сенинг шеригинг йўқ.. Фақат биттагина шеригинг бор.. Сен унга Эгасан, у эса бирон нарсага эга эмас).

Саҳобалар уни тўхтатиб, қаерга бораётганини сўрадилар. У Маккага кетаётганини айтди. Текшириб билдиларки, у пайғамбарлик даъвоси билан чиқкан Мусайлама кazzобнинг диёридан келаётган экан.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзлари нимага ҳукм қилсалар, шу бўлсин деб, унинг қўлларини боғлаб, Мадинага келтирдилар.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга қўзлари тушгач: «Кимни асирга олганингизни биласизларми? Бу Бану Ҳанифа қабиласи саййиди Сумома ибн Ассол бўлади», дедилар. Сўнг уни масжид устунларидан бирига боғлаб қўйишларини, ўзига иззат-икром кўрсатишларини буюрдилар..

Сўнг Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам уйларига кириб, уйларида бўлган ул-бул егуликларни йиғиб, унга юбордилар. Сумоманинг уловини ҳам емлаб, қараб туришга буюрдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг олдига чиқиб: «Нима мақсадинг бор эди эй Сумома?», деб сўрадилар. У: «Ҳеч қандай ёмон ниятим йўқ, эй Мухаммад. Агар ўлдирсангиз, бир қон эгасини (яъни, қасоси олинадиган кишини) ўлдирасиз. Агар марҳамат кўрсатсангиз, яхшиликни билган одамга марҳамат кўрсатган бўласиз. Агар мол истасангиз, истаганингизча молга эга

бўласиз», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг олдидан кетдилар. Кейин иккинчи марта унинг ёнидан ўтаётиб, яна ўша саволларини қайтардилар. У ҳам аввалги жавобини қайтарди. Учинчи марта ҳам юқоридаги савол-жавоб бўлганидан сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг мусулмонларнинг намоз ўқишларини кўрганидан, уларнинг гап-сўзларига қулоқ солганидан, чиройли одоб-ахлоқларини билганидан кейин ҳам Исломга рағбати йўқлигини билиб: «Сумомани қўйиб юборинглар», дедилар. Уни қўйиб юборишиди. Шунда Сумома масjidга яқин бир хурмозорга бориб, ғусл қилди, сўнг қайтиб келиб, Исломни қабул қилди. Сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга: «Аллоҳга қасамки, мен учун ер юзида сизнинг юзингиздан кўра ёқимсизроқ юз йўқ эди, энди сизнинг юзингиз мен учун энг суюмли юзга айланди. Аллоҳга қасамки, мен учун ер юзида сизнинг динингиздан кўра ёқимсизроқ дин йўқ эди, энди сизнинг динингиз мен учун энг суюмли динга айланди. Сизнинг отлиқларингиз мени умра учун бораётганимда қўлга олишди», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни муборакбод этдилар ва умра сафарини давом эттиришга буюрдилар. У Маккага тавҳид талбиясини айтганича: «Лаббайкаллоҳумма лаббай.. Лаббайка ла шарийка лак..» (Маъноси: Парвардигорим, Сенга лаббай (амрингга ҳозирман).. Сенга лаббай, Сенинг шеригинг йўқ) деган ҳолда кириб борди.

Ҳа, Ислом уни бутунлай ўзгартирганди.. Сенга лаббай, Сенинг шеригинг йўқ.. Аллоҳга қўшиб сифинадиган на бир қабр мавжуд, Унга сажда қилинадиган на бир санам бор..

Қурайш олдига келганида улар унинг айтиётган талбиясини эшишиб: «Сен ҳам диндан озибсан-да, эй Сумома?!», дейишиди. У: «Йўқ, Аллоҳга қасамки, ундаи эмас! Балки, мен Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашиб, мусулмон бўлдим», деди у.

Қурайш унга озор бермоқчи бўлган эди, у шундай деб қичқирди: «Аллоҳга қасамки, то Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам изн бермагунларича сизларга Яномадан битта буғдой дони ҳам келмайди!». (Ямома Маккани дон-дун билан таъминловчи асосий экинзор ўлка эди).

Ҳа, улар Аллоҳни бошқа олиҳалардан кўра кўпроқ улуғлашарди..

Худо ҳаққи, менга айтингчи, Абу Жаҳл ва Абу Лаҳабнинг ширки билан бугунги кунда мозорларда қон чиқараётган, сағана остонасига сажда қилаётган, қабрни тавоғ қилаётган, одамнинг ширки ўртасида нима фарқ бор?!

Валийнинг машҳадида тавозеъ ва хушуъ билан эгилиб туради, ундан ҳожатларини раво қилишини, мусибатларини аритишини сўрайди..

Касалига шифо беришини, мусофирини соғ-омон қайтаришини чириган сүяклардан илтижо қилиб сўрайди..

Ажабо..

Аллоҳ таоло айтади: «**Шубҳасиз, Аллоҳдан ўзга, сизлар илтижо қилаётган нарсалар худди** (сизнинг) ўзларингиз каби бандадирлар. Бас, агар ростгўй бўлсангизлар, сизлар уларга дуо қилинглар, улар сизларга ижобат қилсинлар-чи?!» (Аъроф: 194).

Мозорларда содир бўлаётган ширк, яъни уларга атаб жонлик сўйиш, уларга дуо-илтижо қилиш, улар атрофини тавоғ қилиш каби ишлар энг катта гуноҳлар жумласидан саналади..

Ҳа, у зинодан ҳам оғир, ароқхўрлиқдан ҳам ёмон, одам ўлдиришдан ҳам, ота-онага оқ бўлишдан ҳам бадтар гуноҳдир. Аллоҳ таоло айтади: «**Албатта Аллоҳ Ўзига** (бирон нарсанинг) шерик қилинишини кечирмас. Шундан бошқа гуноҳларни Ўзи хоҳлаган бандалари учун кечирур» (Нисо: 48).

Ҳа, Аллоҳ зинокорларни кечириши мумкин, қотил ва жиноятчиларни кечириши мумкин, бироқ У Ўзига ширк келтирилишини кечирмайди.

«Саҳиҳайн»да келганидек, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам хабар берганлар:

Бану Исроиллик бир фоҳиша аёл саҳрода кетиб борарди. Бир итни қудуқ ёнида айланиб юрганини кўрди. Ташналик зўридан итнинг тили осилиб қолган эди. Ташналик уни ҳалок қилаёзган эди. Буни кўрган фоҳиша – яъни, Парвардигорига осий бўлиб юрган, бошқаларни ҳам йўлдан оздириб юрган, фахш ва ҳаром иш билан шуғулланиб, шу билан пул топиб, ҳаром еб юрган хотин – оёқ кийимини ечиб, уни рўмоли билан боғлаб, қудуқка туширди ва қудуқдан сув тортиб олиб, итни қондирди. Шу сабабли Аллоҳ таоло унинг гуноҳини кечирди.

Аллоҳу акбар.. Аллоҳ унинг гуноҳини кечирди.. нима сабабдан кечирди?!..

У кечалари ибодат билан бедор, кундузлари рўзага машғул бўлибми эди?!. Ё Аллоҳ йўлида жангга кирганида ўлдирилдими?!..

Йўқ.. Бор йўғи бир итни суғориб қўйди, холос! Шу билан Аллоҳ уни мағфират қилди.. Чунки, у аёл маъсиятлар содир қилиб юрар, бироқ Аллоҳга ширк келтирмаган эди.. На валийга, на қабрга сиғинган, на тош ва на башарни улуғлаган эди.. Аллоҳ уни мағфират қилди..

Гуноҳкорлар учун мағфират нақадар яқин, мушриклардан эса нақадар узоқ!..

Ҳикоят

Айрим одамлар зинокор ва ароқхўрларнинг кўпайиб кетганидан фифонлари кўкка чиқади.. Бироқ, шу билан бир вақтда сағаналар остонасига бош ураётган, қабрларга сифиниб ётган одамларни кўриш уларни кўп ҳам безовта қилмайди. Ҳолбуки, зинокорлик ва ароқхўрлик гуноҳи кабира бўлгани билан кишини диндан мосуво қилмайди.. Аллоҳдан бошқага сифиниш эса ўз эгасини Исломдан бегона қиласди, шу ҳолда ўлган киши кофир кетади.

Шунинг учун ҳам раббоний уламолар ақида ўргатишни асосий фазифалари қилиб белгилаб олган эдилар.

Шайх Муҳаммад раҳимаҳуллоҳ «Тавҳид китоби»ни талабаларига шарҳлаб берар эдилар, ундаги масалаларни кўп такрор қилардилар..

Шогирдлари бир куни: «Шайх, дарс мавзусини ўзгартирсангиз, сийрат, тарих, фикҳ каби мавзулардан дарс ўтсангиз яхши бўларди», деб илтимос қилишди.

Шайх: «Майли, иншооллоҳ, ўйлаб кўрамиз», деб жавоб бердилар..

Эртаси шогирдлар ҳузурига қайғули бир кўринишда чиқиб келдилар.

Бунинг сабабини сўрашганида айтдилар: «Эшитишимча, қўшни қишлоқда бир киши янги уйга кўчиб ўтган экан, жинлар безовта қилишидан қўрқиб, жинга атаб, уйининг остонасида бир хўroz сўйиб, қон чиқарибди.. Шунинг хабарини аниқлаб келгани одам юбордим».

Бу воқеа талабаларга кўп ҳам таъсир қилмади, улар «Ҳа-а» деб қўя қолдилар ва бу одам ҳаққига ҳидоят сўраб дуо қилдилар..

Эртаси куни шайх улар ҳузурига чиқиб дедилар: «Кечаги ишнинг хабарини ойдинлаштирудим. Иш биз эшитгандан бошқачароқ бўлган экан.. Ҳалиги одам жинга атаб хўroz сўйиб, қон чиқармаган экан.. Балки, онаси билан зино қилган экан»..

Шунда шогирдлар бирдан ўзгаришиб, ҳалиги одамга лаънат айтиб, уни ҳар хил сўзлар билан ҳақоратлай кетишди.. Уни у қилиш керак, бу қилиш керак, сазойи қилиш керак, жазолаш керак..

Шунда шайх айтдилар: «Қизиқ.. Гуноҳи кабиралардан бирини қилиб қўйган одамнинг ишини шу қадар ёмон санадинглар.. Ваҳоланки, у шу гуноҳи сабабли Исломдан чиқиб кетмаган эди.. Бироқ, ширкка қўл урган, Аллоҳдан бошқага атаб қон чиқарган ва ибодатни Аллоҳдан ўзгага бағишлилан одамнинг ишини у қадар ёмон санамадинглар»..

Талабалар жим бўлиб қолдилар.. Шайх улардан бирига: «Тур эй фалончи, «Тавҳид китоби»ни олиб бер, уни янгидан шарҳ қиламиз», дедилар.

Ширк гуноҳлар ичида энг каттасидир, Аллоҳ таоло уни ҳеч қачон кечирмайди. Аллоҳ таоло айтган: **«Чунки ширк келтириш катта зулмдир»** (Луқмон: 13).

Жаннат мушрикларга ҳаромдир.. Улар абадий дўзахда қолишади.. Аллоҳ таоло айтган: **«Албатта кимда-ким Аллоҳга ширк келтирса, Аллоҳ унга жаннатни ҳаром қилур ва борар жойи дўзах бўлур. Зулм қилувчилар учун бирон ёрдамчи бўлмас»** (Моида: 72).

Ким ширкка қўл урса, бу иши унинг барча ибодатларини, намози, рўзаси, ҳажи, жиҳоди ва садақаларининг ҳаммасини бекор қилиб юборади. Аллоҳ таоло айтган: **«Дарҳақиқат сизга ҳам, сиздан аввалги (пайғамбар)ларга ҳам шундай ваҳий қилингандир: «Қасамки: агар мушрик бўлсанг, албатта қилган амалинг бехуда кетур ва албатта зиён кўрувчилардан бўлиб колурсан!»»** (Зумар: 65).

Ширкнинг бир неча хил кўринишлари бор:

Айрим кўринишлари борки, ўз эгасини – агар тавба қилмай шу ҳолда ўтиб кетса – диндан чиқариб, дўзахда абадий қолишига сабаб бўлади. Жумладан:

Аллоҳдан бошқасига дуо қилиш..

Қурбонлик ва назрларни Аллоҳдан бошқага – жинларга, шайтонларга, қабрларга аташ..

Ўлиб кетганлар ёки жин ва шайтонларнинг бирон зиён-захмат етказиши ё касалга дучор қилишидан хавф қилиб, уларга сифиниш..

Фақат Аллоҳгина қодир бўладиган ишларни, масалан, ҳожатларни раво қилишни, кулфатларни аритишни Аллоҳдан бошқадан умид қилиш.. Ҳозирги пайтда мозорларда қилинаётгани каби..

Аслида қабрларни фақат насиҳатланиш ва ўликлар ҳаққига дуо қилиш учунгина зиёрат қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлариdek: **«Қабрларни зиёрат қилингиз, зеро улар сизларга охиратни эслатади».**

Бу ҳам эркакларга нисбатан.. Аёлларнинг қабрларни зиёрат қилишлари машруъ эмас. Чунки, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам қабрларни зиёрат қилувчи аёлларни лаънатлаганлар. Уларнинг зиёратга чиқишилари билан ўзларига ё бошқаларга фитна ҳосил бўлиши мумкин.

Аммо, қабрларни уларда ётганларга дуо-илтижо қилиш, улардан мадад сўраш мақсадида ё уларга атаб қон чиқариш ё уларнинг баракотларидан нафланиш ё улардан ҳожатларни сўраш ё уларга назр қилиш қасдида зиёрат қилиш катта ширк саналади. Қабр эгаси пайғамбар ё валий ё солих бўлсин, фарқсиз.. Ким бўлса ҳам инсон.. Зарар ё фойда келтиришга қодир эмас. Аллоҳ таоло Ўзининг энг суйган бандаси Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга хитоб қилганки: **«Айтинг: Мен ўзим учун ҳам на фойда ва на зиён етказишга эга бўла оламан. Магар Аллоҳнинг хоҳлагани бўлур»** (Аъроф: 188).

Жоҳил кишиларнинг Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам қабрлари олдида у зотга дуо-илтижо қилишлари ва у зотдан мадад тилашлари, ёки Ҳусайннинг ё Бадавийнинг ё Жийлонийнинг ё бошқаларнинг қабри олдида шундай қилишлари айни шу турдаги ширкка киради.

Қабрларни улар олдида намоз ўқиш ё Қуръон тиловат қилиш учун зиёрат қилиш эса бидъатdir.

Зиёратчи фақатгина панд-насиҳат олиши ё маййит ҳақига дуо қилиши машруъдир.

Ажабки, мусулмон киши қабрда ётганларнинг жонсиз жасад эканларини, ўзларининг аҳволларидан қутулишга ҳам қодир эмасликларини била туриб, улар ҳузурига боради, улардан дуосини ижобат қилишларини тилайди, мусибатларини аритишларини сўрайди..

Муқаддас саналадиган ва устларига қуббалар тикланган бундай мозор ва сағаналардан кўпларининг хокисор хизматкорлари ва «шайх»лари бўлади.. Улар келгандарга турли ёлғонларни тўқийдилар, уларни Аллоҳга ширк келтиришга чорлайдилар.

Нидо.. Нидо

Ўликларга дуо-илтижолар қилувчи у бечораларга айтаманки, сизлар остонасига бош уриб йиғлаётганингиз, шафоатларини тилаётганингиз у ўликлар **«Илтижо қилган пайтларингизда сизларни эшитадиларми ёки сизларга фойда ё зиён етказа оладиларми?!»** (Шуъаро: 72).

Йўқ, Аллоҳга қасамки, эшитмайдилар, фойда ҳам етказа олмайдилар. Аксинча, бу билан ўзингизга ўзингиз зарар етказасиз..

Қулоқ солинг, отаси билан бирга Ҳиндистонга сафар қилған 13 ёшли бир боланинг қизиқ бир ишини ҳикоя қилиб бераман..

Ҳиндистон катта мамлакат.. Шунга яраша олиҳалари ҳам кўп ва хилма-хил.. Улар ҳамма нарсага, ҳайвонга ҳам, дарахтга ҳам, тошга ҳам, инсонга ҳам, юлдузларга ҳам сифинаверадилар..

Ҳалиги бола бир ибодатхонага кирса, одамлар ҳинд ёнғоги (**cocos**) мевасига сифинишаётган экан. Ёнғоқ мевасига оғиз-бурун ва кўзлар чизиб қўйишган, унга бухур (хушбўй тутатқи) тутатишиб, олдига емак-ичмаклар қўйиб қўйишган экан..

Бола кўрдики, одамлар ўша ёнғоққа ибоат қилишмоқда. У улар сажда қилиб турган пайтларида шартта бориб, ўша ёнғоқ мевасини олиб қочди..

Бошларини саждадан кўтаришгач, олиҳалари ғойиб бўлганини кўриб, атрофга аланг-жаланг қилиб қарашса, «худо»ларини бир бола кўтариб олиб, югуриб кетаяпти.. Ибодатни ҳам йиғиштириб, боланинг кетидан қувиб кетиши..

Бола улардан узоқлашгач, ерга ўтириб, ёнғоқни тош билан уриб синдириди ва шарбатини ичиб, пўчоғини улоқтириди..

«Худо»лари майдаланиб ётганини кўриб, улар қий-чув кўтаришди.. Болани ушлаб олиб, дўппослашди.. Сўнг уни шаҳар қозиси ҳузурига судрашди..

Қози: – Олиҳани сен синдиридингми?

Бола: – Йўқ, мен ёнғоқни чақиб, сувини ичдим.

Қози: – У уларнинг олиҳалари эди.

Бола: – Қози жаноблари! Сиз ҳеч ҳинд ёнғогини чақиб, еганмисиз?

Қози: – Ҳа, еганман.

Бола: – Унда иккимиз ўртамиизда нима фарқ бор?

Қози нима дейишини билмай, тутилиб қолди.. Жавоб кутиб, ёнғоқнинг «банда»ларига қаради..

Улар айтишиди: – Бу ёнғоқнинг икки кўзи ва оғиз-бурни бор эди.

Бола қичқирди: – Хўш, у гапиравмиди?

Улар: – Йўқ..

Бола: – У эшитармиди?

Улар: – Йўқ..

Бола: – Ундей бўлса, қандай қилиб худо бўла олади, қандай қилиб унга ибодат қиласизлар?!..

«Шунда бу инкор қилувчи довдираб қолди. Аллоҳ золим кимсаларни ҳидоят қилмайди» (Бақара: 258).

Қози уларнинг важоҳатига боқиб, болага бирон зиён-захмат етказиб кўйишларидан кўрқди ва болани 150 рупия жаримага тортди..

Бола мажбур жаримани тўлади.. Бироқ, маҳкамадан у ғолиб ҳолда чиқди.

Мозорларга топинувчилар ўликларни улуғлаш ва улардан ҳожатларини тилаш билангина кифояланиб қолмадилар.. Балки, қабрларни зийнатлаш, улар устига сағаналар тиклаш, гумбазлар қуриш учун кўплаб пул-мол сарфладилар..

Қабрлар устига тикланган сағана ва гумбазлар асосан икки хил бўлади:

Биринчиси: Мусулмонларнинг умумий қабристонларида қурилган қубба-сағаналар. Бу қуббалар бошқа қабрлар орасида баланд бўлиб, кўзга ташланиб туради.

Иккинчиси: Масжидларда қурилган ёки улар устига масжид қурилган сағаналар. Бу сағаналар баъзан масжиднинг қибласида, баъзан эса ортида ё икки томонида қурилган бўлади.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай қилишдан қайтарганлар ва: «Парвардигорим, қабримни сифиниладиган васан-бут қилиб қўймагин.. Пайғамбарларининг қабрларини масжид қилиб олган қавмга Аллоҳнинг лаънати бўлсин», деганлар.. Бу у зотнинг қабрларига ҳам, бошқа ҳар қандай қабрга ҳам тегишлидир.

Алий розияллоҳу анхудан ривоят қилинишича, у киши Абул-Ҳайёжга шундай деганлар: «Мен сени Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мени юборган ишга юборайми? Биронта тимсол-ҳайкални қўймай йўқ қиласан, биронта кўтарилган қабрни қўймай, текислаб ташлайсан»..

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам қабрларни гипс билан сувашдан, улар устига ўтиришдан, улар устига бино қилишдан, уларга ёзишдан қайтарганлар.

У зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам қабрлар устига масжидлар ва чироқлар қилувчиларни лаънатлаганлар.

Саҳобалар, тобеинлар ва табаут-тобеинлар замонларида Ислом диёрларида на пайғамбарнинг қабрида ва на бошқанинг қабрида бундай нарсалар бўлмаганди..

Аччиқ воқелик

Бугунги аччиқ воқеликни кўринг:

- Мисрнинг шаҳару қишлоқларида ёйилган авлиёларнинг сағаналари 6000 (олти мингта)ни ташкил қиласди. Улар мурид ва муҳиблар учун мавлудлар ўтказиш марказлари ҳам саналади. Йил мобайнида Мисрнинг қайсиидир бир жойида қайсиидир бир валийнинг мавлуди ўтказилмайдиган биргина кун топилиши жуда қийин.. Аксинча, валийнинг қабридан холи бўлган қишлоқ улар наздида баракасиз жой деб кўрилади..

Сағаналар катта ва кичикка бўлинади. Қабр устидаги бино қанча катта ва кенг бўлса, овозаси узоқроққа кетган бўлса, шунча эътиборли саналади ва зиёратчилари ҳам шунча кўп бўлади.

Қоҳирада катта сағаналардан Ҳусайн мақбараси, Сайида Зайнаб мақбараси, Сайида Оиша мақбараси, Сайида Сакина мақбараси, Сайида Нафиса мақбараси, Имом Шофеий мақбараси, Лайс ибн Саид мақбараси жойлашган..

Тантода Бадавий мақбараси.. Дасуқда Дасуқий мақбараси.. Ҳумайсирада Шозилий мақбараси..

Ҳусайнники деб даъво қилинган қабрга одамлар махсус зиёратга келишади, унга атаб назрлар ва қурбонликлар келтиришади.. Ундан ҳам бадтари, қабрни тавоғ қилишади, ундан дардларига шифо тилашади, ҳожатларини раво қилишини сўрашади..

Сайид Бадавий мақбараси.. Йилнинг маълум пайтларида унинг зиёрати учун худди катта ҳажга ўхшаб кетадиган махсус мавсумлари бор.. Ўша пайтда мамлакат ичидан ва ташқарисидан сунний-у шиалар унинг зиёратига ёғилиб келишади..

Жалолуддин Румий мақбараси.. Унинг мозори устига: «Ҳар учала дин аҳлига – мусулмонлар, яҳудлар ва насронийлар учун салоҳиятли» деб ёзиб қўйилган.. Ушбу васан-бутни қутби аъзам деб атashади.

- Шом ҳақида гапирадиган бўлсак, ишончли тадқиқотчилар сўзларига кўра, биргина Дамашқнинг ўзида 194та мақбара бўлиб, улар ичida машҳурлари 44та мақбара экан.. Саҳобаларга нисбат бериладиган камида 27та сағана мавжуд.. Дамашқда, масжиди умавийда Яхё ибн Закарийё алайҳимассаломнинг боши қўйилган деб айтиладиган мақбара мавжуд.. Масjidнинг шундоққина ёнгинасида Салоҳуддиннинг қабри.. Имодуддин

Занкийнинг қабри.. Ва бошқа бир қатор қабрлар бўлиб, уларни зиёратгоҳга айлантирилган..

Ундан ташқари, Сурияда фожир, залолат пешволаридан бири, «Фусусул-хикам» (Хикматлар дурдонаси) китоби соҳиби Мухиддин ал-Арабийнинг мақбараси ҳам мавжуд..

- Туркияда 480дан ортиқ жомеъдан деярли ҳеч бири сағанадан холи эмас. Улар ичида энг машҳури Қустантинияда Абу Айюб ал-Ансорийга нисбатланувчи қабр устига қурилган сағанадир.
- Ҳиндистонда минглаб одамларнинг зиёратгоҳига айланган 150дан ортиқ мақбара мавжуд.
- Ироқда, Бағдоднинг ўзида 150дан ортиқ масжиди жомеъ бор бўлиб, деярли ҳаммасида сағана бор. Мувсилда 77та машҳур мақбара бўлиб, ҳаммаси жомеълар ичида жойлашган.. Бошқа масжидларда жойлашган ва алоҳида мақбаралар бунга кирмайди. (Қаранг: «Ақидадаги бузилишлар»: 289, 294, 295-бетлар).
- Ҳиндистондаги шайх Баҳоуддин Закарийя Мултонийнинг қабри ҳамма турдаги ибодатлар адo этиладиган, сажда қилинадиган, назрлар қилинадиган ибодатхонага айланган..
- Покистонда, Лаҳорда шайх Алий Ҳажурийнинг мақбараси мавжуд. У ҳам улкан мақбаралардан саналади.

Қизиги шундаки, уларнинг аксарияти ёлғон ва сохта қабрлар бўлгани ҳолда, жуда кўпчилик одамлар улар билан алданиб юрибдилар.

- Қоҳирада Ҳусайн розияллоҳу анхуники деб билинадиган бир мақбара бор.. Унинг зиёратига келадилар, дуо, тавоф, назр, жонлик сўйиш каби ҳар турли ибодатларни унга бағишлайдилар..

Асқалонда ҳам Ҳусайннинг қабрлари бор..

Ҳалабнинг ғарбида Жабали Жушан деган мавзеъда ҳам Ҳусайн розияллоҳу анхунинг боши қўйилган деб айтиладиган мақбара бор..

Ундан ташқари, яна тўртта жойда Ҳусайннинг боши қўйилган деб айтиладиган мақбара мавжуд: Дамашқда, Ҳанонада (Нажаф билан Кўфа оралиғида), Мадинада оналари Фотима розияллоҳу анҳо қабри ёнида, Нажафда оталари ҳазрат Алий розияллоҳу анҳуга нисбатланган қабр ёнида. Карбалода ҳам қабрлари борки,

бошлари жасадларига қайтарилигандеги айтилади. (Қаранг: «Ақидадаги бузилишлар»: 288-бет, «Луғатул-араб» мажалласи: 7-йил, 1929й, 557, 561-бетлар, «Маолим Ҳалаб ал-асарийя», Абдуллоҳ Ҳажжор»).

- Ҳазрат Алийнинг қизи Сайида Зайнаб розияллоҳу анхумо аслида Мадинада вафот этиб, Бақиъга дағнан этилган.. Бироқ, Дамашқда шиалар томонидан барпо этилган унга мансуб қабр мавжуд. (Қаранг: Абдуллоҳ ибн Мұхаммад ибн Хумаййис.. Дамашқда бир ой.. 67-бет).

Қоҳирада ҳам унга мансуб машҳур мақбара бор.. Тарих китобларида Сайида Зайнабнинг на ҳаётида, на вафотидан кейин бирон марта ҳам Мисрга келгани ҳақида зикр қилинмаган..

- Мисрнинг Искандария шаҳри аҳли Абу Дардо розияллоҳу анху уларнинг шаҳарларидағи унга мансуб мақбарага дағнан қилинганига қатъий ишонадилар.. Ваҳоланки, илм аҳли томонидан қатъий билдирилган фикрларга кўра, у киши бу шаҳарга дағнан қилинмаган. (Қаранг: «Масажиду мисра ва авлияуҳас-солиҳун: 2/33).
- Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қизлари Сайида Руқайянинг Қоҳирадаги қадамжолари ҳақида айни шу гапни айтиш мумкин.. Ушбу мақбарани фотимиҳ халифа Ал-Амир би-аҳкамиллаҳнинг аёли қурдирган.. Сайида Сакина бинт Ҳусайн ибн Алий розияллоҳу анхумнинг мақбарами ҳам шундай..
- Энг машҳур мақбаралардан бири бўлмиш Ироқнинг Нажаф шаҳридаги Алий ибн Аби Толиб розияллоҳу анху мақбарами ҳам сохта мақбараadir. Чунки, ҳазрат Алий розияллоҳу анху Кўфада Амирлик қасрига дағнан этилган.
- Басрада Абдурраҳмон ибн Авғ розияллоҳу анхунинг қабри мавжуд.. Ваҳоланки, у киши Мадинада вафот этиб, Бақиъга дағнан этилган.
- Ҳалабда Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анху мақбарами бор, ваҳоланки у киши Мадинада вафот этган..
- Одамлар ҳатто, Шомда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг икки қизлари Умму Кулсум ва Руқайяга нисбатланган қабрга эътиқод қилишади.. Улар ҳар иккаласи Усмон розияллоҳу анхунинг аёллари бўлиб, иккалалари ҳам Мадинада, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаётлик даврларида вафот қилганлар ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзлари уларни Бақиъга дағнан қилганлар.

- Аҳли илмлар иттифоқи билан сохта саналган қабрлардан яна бири Дамашқ жомеъсидаги Ҳуд алайҳиссаломга нисбат берилувчи қабрdir. Зеро, Ҳуд алайҳиссалом Шомга келмаганлар.. Ҳазрамавтда ҳам у кишига нисбат берилувчи қабр мавжуд.
- Ҳазрамавтда яна одамлар Солиҳ алайҳиссаломники деб ишонишадиган қабр ҳам бор.. Ҳолбуки, Солиҳ алайҳиссалом Ҳижозда вафот этганлар. Фаластиннинг Яфа шаҳрида ҳам у кишига нисбатланувчи мақbara мавжуд.. Шунингдек, бу шаҳарда Айюб алайҳиссаломнинг ҳам мозорлари бор.

Шайх Баракот қадамжоси

Қаранг, шайтон одамларнинг ақлларини қандай ўйинчоқ қилиб ўйнади, уларни қандай қилиб еру осмонлар Парвардигорининг ибодатидан ўликларни улуғлашга, қабрдагиларга сифинишига буриб юборди!!

Масала баъзида қандайдир бир қабр ҳақида гап тарқалиши билан, яъни ундаги валий зиёратга келган кишига етказадиган фойдаси, унга дуо қилганларга шафоатчи бўлиши ҳақидаги гаплар билан бошланади..

Сўнг одамлар ўртасида унинг кароматлари ҳақидаги қиссалар тарқалиб, улар ҳақиқатга айлантирилади.. Сўнгра ушбу қабр устида ширк кўринишлари зоҳир бўла бошлайди.. Уни тавоғ қиладилар, Аллоҳни қўйиб, унга дуо-илтижо қиладилар.. Юқорида санаб ўтилган жуда кўп мақбараларда айни шу ҳолатлар юз берган.

Шайх Баракот мақбараси ҳақида сўзлаб беришган бир ҳикоя ёдимга тушди..

Бу воқеа Одил ва Саид исмли икки йигит билан содир бўлган. Ҳар иккиси университетни битириб, бир қишлоқка ўқитувчи бўлиб тайинланишган, улар ишлайдиган қишлоқда қабрларни улуғлаш, уларга назрлар келтириш авж олганди.

Одил ва Саид автобусда қишлоқка, ўзлари ишлайдиган мактабга кетиб боришаркан, йўлда бекатлардан бирида ёши анчага бориб қолган, телбанамо бир гадо автобусга чиқиб келди... У елкаларини силкитиб, ҳар хил ҳаракатлар қилар, оғиздан кўпик сочиб, йўловчиларга нималардир деб дўқ ураг, ҳозир уларни дуоибад қилса, автобуслари манзилга етмасдан ағдарилиб кетишини айтиб пўписа қилар, ўзининг дуоси ижобат зотлардан эканини айтиб, мақтанаради..

Саид азиз-авлиёлар,abdol ва автодлар, уларнинг кароматлари ҳақида кўп гапириладиган ва улардан таъсирланган оилада ўсгани учун бўлса керак, унинг юрагига ғулғула тушиб, безовта бўлиб қолди. Сўнг Одилга қараб, ваҳима билан: «Кел, унга пул-мул бериб қўяйлик, ростдан ҳам автобусимизга бирон кор-ҳол бўлмасин. Чунки, Абдулкарим Абу Шатта исмли бу девона ҳақиқатдан ҳам дуоси мустажоб, муборак дарвешлардан», деди..

Одил унинг бу гапидан ажабланиб: «Тўғри, аҳли сунна вал-жамоа кароматларга ишонадилар.. Лекин, каромат солиҳ ва тақводор зотлардан, динга мустаҳкам амал қилувчи, ўзларини ошкор қилмайдиган улуғ зотлардан содир бўлади.. Бу каби динини пулга сотиб ейдиган девоналардан эмас», деди.

Саид қўрқиб кетди: – Ҳай, ҳай, бу гапингни қайтиб ол.. Унинг қўли билан содир бўлган кароматларни каттаю кичик гапириб юради.. Мана кўрасан, бир оздан кейин у автобусдан тушиб қолади. Кейинги қишлоққа борганимизда қарасанг, у ўша ерда юрган бўлади.. Ҳа, у ана шундай кароматли зотлардан.. Ё сен кароматларни инкор қиласанми?!

Одил: – Мен умуман олганда кароматларни инкор қилмайман. Аллоҳ таоло Ўзи истаган бандасини азиз-мукаррам қилиб қўйишга қодир. Аммо, кароматлар тирикчилик манбаига айланиб қолиши, сен билан бизни қабрдаги ўликларни Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога яратиш ва бошқариш ишларида шерик қилишга олиб бориб қўйиши, ҳатто биз улардан қўрқадиган ва ғазабларидан сақланишимиз лозим бўладиган бўлишимиз маъносида бўлса, ундай кароматга ишонмайман..

Саид: – Яъни, сен шайх Аҳмад Абу Саруд ҳазратлари Арафотдан Истанбулга келиб, уйларида аҳли-оилалари билан таомланиб, шу кечада яна Арафотга қайтиб борганиларига ишонмайсан, шундайми?!

Одил: – Саид, биродар! Аллоҳ ақлингга кушойиш берсин, сен университетда шуларни ўргандингми?!

Саид: – Энди масхаралаш услубига ўтдик!

Одил: – Мен сени масхара қилмоқчи эмасман. Лекин, авомнинг гапини ва улар ўртасида айланиб юрган хурофотларни гўё танқид қилиб бўлмайдиган муборак ваҳийдек қабул қилишингни тўғри деб ҳисобламайман!

Саид: – Лекин, ушбу кароматларни нафақат авомлар гапириб юришади, балки кўпинча катта-катта устозлар ҳам қадамжо ва мақбара соҳибларидан нақл қилишади..

Одил: – Хўп, яхши.. Унда, менга бир фикр келиб қолди.. Ушбу қадамжолар ва сағаналарнинг аксарияти сохта ва шайтоний алдов эканини, уларнинг на ҳақиқий

қабр ва на уларда валийлар ётганини, уларнинг кароматлари фақат одамлар орасида тарқалган ёлғон-яшиқ даъволар эканини сенга амалий равишда исботлаб берсам, нима дейсан?!

Сайд бир қўзғолиб олди, сўнг бир неча бор: «Аъузу биллаҳ, аъузу биллаҳ», деб такрорлади.

Сўнг иккаласи ҳам бир оз жимиб қолдилар.

Автобус йўлида давом этиб, уларнинг қишлоқларига яқин жойдаги бир дувворга (яъни, доира шаклидаги чорраҳага) этиб келди.. Одил кулимсираб Сайдга қаради..

Одил: – Мана шу дувворда бирон азиз-авлиёning мозори ё қадамжоси йўқми, эй Сайд?

Сайд: – Йўлнинг ўртасига, яна дувворга валийнинг дафн этилиши қайси ақлга сиғади, оғайнини?!

Одил: – Унда, қишлоқда иккаламиз шу дувворда бир азиз-авлиёning эски қабри бўлгани ва даврлар ўтиши билан йўқ бўлиб кетгани ҳақида гап тарқатсак, нима дейсан? Кейин унинг кароматлари ҳақида, бу ерда қилинган дуоларнинг ижобат бўлгани ҳақида ёзиб чиқсак.. Одамлар ишонармикинлар?.. Мен аниқ ишонаманки, одамлар бу гапларни жиддий қабул қилишади.. Ҳатто, келаси йилларга бориб, шу дуввор ўртасида ўша валийга атаб қурилган мақбара бош кўтарса ҳам ажаб эмас!! Ваҳоланки, бу ерни тубигача қазиб боришса ҳам ҳеч нарса чиқмайди!

Сайд: – Оғайнини, бекорчи гапларни қўйсангчи! Сен одамларни шу қадар гўл деб ўйлайсанми?! Бунчалик аҳмоқ эмас улар!!

Одил: – Ҳа, хўп! Сендан нима кетди? Кел, бир эрмакка гап тарқатиб кўраверайлик! Ё натижасидан қўрқаяпсанми?!

Сайд: – Йўқ, қўрқмайман.. Бироқ, бунинг бирон натижага беришига ишонмайман.

Одил: – Яхши.. Рози бўлдинг деб ҳисоблаймиз.. Хўш, унда «валий»имизга Шайх Баракот деб исм қўйсак нима дейсан?

Сайд: – Э, билганингни қил..

Шундай қилиб, иккаласи ими-жимида мактабдаги муаллимлар ўртасида, шунингдек сартарошхоналарда – чунки, сартарошхоналар энг асосий ахборот тарқалиш марказлари саналади – гап чиқариб қўйишга келишиб олишди..

Қишлоққа этиб келишгач, тўппа-тўғри Уста Салимнинг сартарошхонасига йўл олишди. У ерда у ёқдан бу ёқдан гаплашиб ўтирган бўлиб, орада гапни авлиёлар мавзусига буришди.. Кейин узоқ йиллар нарисида шу қишлоққа ҳам бир валий дафн этилганини, унинг Аллоҳ таоло ҳузурида алоҳида эътиборли валийлардан

бўлганини, бироқ ҳозирда унутилиб, у зотдан мадад сўрайдиганлар деярли қолмаганини гапиришди..

Сартарош валийнинг қабри қаерда бўлганини сўради.. Улар унинг қабри шу қишлоққа кираверишдаги дуввор олдида бўлганини айтишди. Шунда сартарош: «Бизнинг қишлоғимизни ҳам валий билан мукаррам қилган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин! Буни узок вақтдан бери орзу қилиб келардим! Адолатданми ахир, қўшни қишлоқларда ўнлаб валийларнинг қадамжолари бўлса-ю, бизнинг қишлоғимизда битта ҳам азиз-авлиё ўтмаган бўлса?!», деди ҳаяжонланиб.

Одил деди: – Ҳожи Салим! Шайх Баракот ҳазратлари жуда улуғ валийлардан бўлганлар, у кишининг Олий Даргоҳда буюк мартабалари бўлган.

Уста Салим шанғиллади: – Демак сен Шайх Баракот - қаддасаллоҳу сирраҳу - ҳақларидаги бу маълумотларнинг ҳаммасидан жуда яхши хабардор бўла туриб, шу пайтгача индамай келибсан-да! Суф-е, сенга!

Шундан сўнг валий ҳақидаги бу хабар яшин тезлигида қишлоққа ёйилди..

Бу одамларнинг асосий гурунглари мавзусига айланди, баъзилар у улуғ «валий»ни тушда ҳам кўрдилар..

У зоти бобаракотнинг қоматлари ҳақида, улкан саллалари ҳақида, саноқсиз кароматлари ҳақида, аzon вақти бўлганида мезана у зотнинг ёнларига ўзи тушиб келгани.. ва.. ва.. ҳақида тинмай гапирила бошланди..

Мактабдаги ўқитувчилар орасида ҳам шу гаплар айланиб, кимдир тасдиқлаб, кимдир рад қилиб, баҳс-мунозаралар авжига чиқди..

Иш чегарадан ўтиб кетгач, устоз Сайднинг сабри чидамай қолиб, муаллимларга қараб хитоб қилди:

– Ҳой оқиллар! Ҳой инсонлар, қўйинглар бу хурофот гапларни!

Шунда ҳамма бир овоздан гувиллади:

– Хурофот?! Яъни, Шайх Баракот бўлмаган демоқчимисан?!

Сайд: – Ҳа, у бўлмаган. Унинг қабри ҳам йўқ нарса. Буларнинг ҳаммаси бекорчи гаплар. Дуввор тупроқдан бошқа нарса эмас. Ҳеч қандай шайх ҳам, валий ҳам, қадамжо ҳам йўқ гап!

Муаллимлар уни талай кетишиди:

– Сен ўзи нима деяётганингни биласанми, ҳой инсон?! Шайх Баракот ҳақларида бундай беодобона гап айтишга қандай журъат қилдинг?! Қишлоқнинг ғарб томонидаги булоқ Шайх Баракот ҳазратлари қўли билан очилган бўлса!.. Фалон-фалон ишлар у зотнинг қўллари билан содир бўлган бўлса!..

Сайд уларнинг шовқинларидан гангиг қолди. Бироқ, шунда ҳам бўш келмади:

– Ақлингизни бирорларга тутқазиб қўйманглар! Ахир сизлар муаллимларсиз, ақлли кишиларсиз! Тўғри келган одам бирон қабр ё қадамжо ҳақида гапирса ё шайтон тушингизда ақлларингиз билан ўйнашса, ишониб кетаверасизми?!

Шу пайт мактаб мудири баҳсга аралашди:

– Лекин, Шайхнинг белгилари мавжуд ва аниқ экан.. Кечаги газетада чиқкан мақолани ўқимадингми?!

Сайд ажабланди:

– Ҳатто газетада ҳам чиқдими?! Нима деб ёзибди?

– Мақола «Шайх Баракотнинг қадамжоси кашф этилди» деб номланган. Унда ёзилишича, Шайх Баракот – қаддасаллоҳу сирраҳу – 1100 ҳижрийда таваллуд топган эканлар.. У зот саййидимиз Холид ибн Валиднинг сулолаларидан эканлар.. Буюк уламоларда, жумладан, фалон-фалон зотлар қўлида таҳсил кўрган эканлар.. Турк қўшини билан бирга салибчиларга қарши фалон жангларда иштирок этган эканлар.. Салибчилар билан уруш шиддатли тус олиб кетганида уларга қараб қаттиқ пуфлаганларида кучли шамол қўзғолиб, салибчиларни юз метрга учирив кетган экан.. Ҳаммалари қонларига беланиб, ер билан битта бўлиб қолишган экан..

Сайд: – Мошооллоҳ!! Ўша журналист Шайх Баракот ҳақидаги шунча маълумотни қаердан олибди??!

Мудир: – Буларнинг ҳаммаси ҳақиқат. Нима, сен уни отасининг сандигидан олиб ёзган деб ўйлайсанми?! Буни тарих деб қўйибдилар!!

Сайд: – Лекин, бу гаплар далилга муҳтож бўлган қуруқ даъво! Даъво қилувчи далил келтириши лозим. Сиз билан мен бу гапларнинг ростлигига ишонч ҳосил қилишимиз керак. Акс ҳолда, тўғри келган киши қадамжолар, валийлар, кароматлар борасида оғзига келган гапни айтавериши мумкин!..

Кейин Сайд тантанавор оҳангда эълон қилди:

– Ҳой жамоат! Тўғрисини айтсам, Шайх Баракот қадамжоси тўқима афсона! Уни мен ва устоз Одил тўқиб чиқарганмиз! Бу билан одамларнинг шов-шуввларга ишонувчанлигини, хабарларнинг тагига етмай, тасдиқлаб кетаверишларини текшириб кўрмоқчи бўлган эдик! Мана, устоз Одил қаршингизда турибди. Ишонмасаларинг ундан сўраб кўринглар!

Улар устоз Одилга ўгирилдилар. Сўнг:

– Устоз Одил ҳам худди сенга ўхшаб баҳсу мунозарани ёқтирадиган кишилар тоифасидан.. У ҳам сенга ўхшаб ҳар бир гапга далил талаб қилаверади. Аслида, у азиз-авлиёлар ва солиҳларга эътиқод қилмайди.. Сен ҳам, Одил ҳам ҳар қанча

иддио қилмангиз, биз барибир аждодларимиз давридан Шайх Баракот – қаддасаллоху сирраху – мавжуд эканига ишонамиз.. Дунё авлиёлар ва солиҳлардан, уларнинг қадамжоларидан холи бўлмайди. Адашганлардан бўлиб қолишдан Аллоҳдан паноҳ сўраймиз!

Одил ҳам, Саид ҳам жим туриб қолдилар. Шу пайт қўнғироқ чалиниб, ҳамма устозлар дарсларига кириб кетишиди..

Устоз Саид кўрганларидан гангиб, ўзига ўзи сўзларди:

Шайх Баракот?! Кароматлар?! Маъқул?! Маъқул эмас?!.. Наҳотки, шунча одам адашган бўлса?! Газета ёлғон гапларни чоп этса?!

Қизиқ! Қишлоқ оқсоқоллари кеча дувворда йиғилишиб, Шайх Баракот шарафига йиғин ўтказиши?!..

Лекин, Шайх Баракот деган номни устоз Одил ўйлаб топган эди-ку!!.. Шунча одам хурофотга ботган бўлиши мумкинми?! Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас!! Бундай бўлиши мумкин эмас!!

Саиднинг миясида янги бир фикр чарх ура бошлади. Яъни, аслида Шайх Баракот ҳақиқатдан ҳам мавжуд бўлган, устоз Одил буни олдиндан яхши билган. Лекин, у Шайх Баракотни мен ихтиро қилдим деб ҳаммани чалғитмоқчи бўлган!!

Саид бу фикрни миясидан қувишга ҳарчанд уринмасин, бунинг уддасидан чиқолмади.

Эртаси куни ҳам мактабда баҳс-мунозара давом этди..

Ўқув йили охирлаб қолгани боис мунозаралар ҳар бир устознинг ёзги таътил учун ўз шаҳрига жўнаб кетиши билан ниҳоясига етди.

Янги ўқув йили бошланиши арафасида устоз Одил ва устоз Саид автобусда қишлоқдаги мактабларига йўл олдилар..

Ҳалиги машмашалар унинг ихтирочиси бўлмиш устоз Одилнинг эсидан ҳам чиқиб кетган экан..

Бироқ, автобус қишлоққа кираверишдаги чорраҳага яқинлашаркан, Одил Саиднинг лаблари нималарнидир пичирлаётганига, қандайдир зикр ва дуоларни ўқиётганига эътибор берди.

Дувворга етиб келишгач, ҳар иккисининг оғизлари ҳайратдан очилиб қолди.

Не кўз билан кўришсинки, дуввор олдида Шайх Баракотнинг маҳобатли мақбараси қад ростлаб турар, унинг ёнида турк меъморчилиги услубида бино қилинганди каттагина масжид савлат тўкиб турарди!!

Устоз Одил истеҳзоли кулимсиради.. Қара-я, одамлар қанчалик аҳмоқ бўлмаса!! Шайтон улар ўртасида ширкни ёйишга муваффақ бўлибди-я!!

У шундай деб кулгусига шерик истаб Саидга ўгирилди..

Бироқ, устоз Саидга кўзи тушгач, ҳайратдан донг қотди.. У зикру дуоларга шўнғиб кетганди..

Дуввор олдига келишгач, Саид ҳайдовчидан шу ерда бир оз тўхтаб ўтишини сўради. Сўнг қўлларини кўтариб, Шайх Баракотнинг руҳига фотиҳа ўқиди..

(Устоз Алий Муҳаммаднинг «Ал-баён» мажалласидаги мақоласидан бир оз ўзгартириб олинди).

У ерда нима қиласидилар?

Аксарият қабрпастлар мозорларга пул-молдан ташқари қўй-эчкилар, чой-нон ва турли егуликлар келтиришади ва уларни мозор соҳибига қурбонлик сифатида тақдим этишади. Баъзан валий ё шайхга қурбат ҳосил қилиш мақсадида туялар сўйишади.. Қабрни тавоф қилишади, унинг тупроғини кўзга суртишади.. Ҳожатларини раво қилишини, мусибатларини аритишини тилаб, дуо-илтижо қилишади.

Ундан ташқари, у қабрларга мафтун бўлганлар қабрдаги ўликлар номига қасам ичадилар. Бирон киши агар бир иш юзасидан қасам ичишига тўғри келиб қолиб, Аллоҳ номига қасам исча, улар унинг қасамини қабул қилишмайди, гапини тасдиқлашмайди.. Агар валийлардан бири номига қасам исча, албатта қабул қилишади.

Иш шу даражага етганки, айримлари мозорлар зиёратини ҳаж сифатида шаръийлаштириб, бунинг учун алоҳида расм-русумларни тузиб чиқишган.. Ҳатто, баъзи ғулув кетганлари қабрларни Байтул Ҳаромга тенглаштириб, бу хусусда алоҳида китоб ҳам ёзиб, уни «Қадамжолар ҳажига оид ибодатлар» деб номлабди.

Бидъат ва ширкка муккасидан кетган айримлари мозорнинг зиёратига тегишли одобларни ишлаб чиқибди!..

Унга кўра, зиёратчилар қабр эгасига эҳтиром бажо келтириб, мозорда оёқ кийимларини ечишлари керак экан..

Сағана ичига эшикбоннинг изни билангина кирилар экан..

Сағана хизматчиси зиёратчиларни қабр атрофида мусулмонлар Каъбани тавоғ қилганларидек тавоғ қилдириш ишини бажааркан..

Зиёратчилар мақбара ва сағана билан турли суратда табаррукландилар. Кимдир унинг тупроғидан олади.. Кимдир қабр атрофидаги панжарага қўлларини суриб, сўнг юзига, баданига ва кийимларига суртади.

Агар мақбарага кирсангиз, қабр соҳибига дуо-илтижо қилиш, ундан мадад сўраш, йиғлаб тазарруълар қилиш каби Аллоҳдан бошқага сифинишнинг турли кўринишларига гувоҳ бўласиз.. Хотинлар гўдак болаларини кўтариб, шу норасидасига қабрдаги валийдан барака тилаб, силкитадилар.. Яна кимдир қабрга юзланиб, саждага бош қўйган..

Мозорларга албатта назрлар келтиришади..

Баъзи одамлар қабр соҳибидан шифо тилаб ё ҳожатини сўраб унинг олдида кунлаб ва ҳатто ойлаб ҳам қолиб кетишади.. Айрим мозорлар ёнида шу мақсадда курилган кутиш хоналари ҳам мавжуд..

Зиёратчida хушуъ-хузуъ ва одоб кўринишлари намоён бўлиб туради.

Хуллас, қабрда ётганлар Аллоҳ ўрнига сифиниладиган олиҳаларга айлантирилган. Ваҳоланки, Аллоҳ на пайғамбар ва на малакка сифинилишига рози бўлади.. Шундай экан, қандай қилиб бошқаларга сифинилишга рози бўлсин?!

Диллари нақадар ўхшаш..

Қабрда ётганлар бировларга фойда етказиши у ёқда турсин, ўзларига ёрдам беришга ҳам қодир эмаслар..

Уларни улуғлаётган ва улардан қўрқаётган кишиларнинг аҳволи Сақиф элчиларининг янги Исломга кирган пайтдаги аҳволларига жуда ҳам ўхшаб кетади.. Улар ҳам ўз диёрларидаги бутдан қатиқ ҳайиқардилар..

Мусо ибн Уқба зикр қилади:

Ислом одамлар ичидә ўрнашгач, қабилалар Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларида ўз исломларини эълон қилиш мақсадида элчиларини юбора бошлади.

Сақиф қабиласидан ҳам ўндан ортиқ киши элчи бўлиб келишди. Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларни масжидга туширдилар..

Улар ўз исломларни эълон қилишга тайёрланишаркан, ўзлари шу пайтгача сигиниб келишган бутларини эслаб қолишли.. Бутнинг номи Рабба эди..

Улар Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан рибо, зино, маст қилувчи ичимлик масаласини сўрадилар, у зот уларнинг ҳаромлигини айтдилар..

Сўнг Рабба ҳақида сўрадилар.

- Бузиб юборинглар уни, – дедилар Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам.
- Йўқ, асло!! Рабба уни бузмоқчи бўлаётганларини билиб қолса борми, сақиф ахлини ҳам, бошқа атрофдаги аҳолини ҳам ҳалок қилади..

Умар розияллоҳу анҳу чидаб тура олмадилар:

- Ҳой қуриб кетгурлар! Бунча ҳам жоҳил бўлмасаларинг!! Рабба деганларинг бор йўғи бир тошку!!
- Биз сенинг олдингга келмаганмиз, эй Умар!..

Сўнг улар Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга мурожаат қилишди:

- Эй Расууллоҳ! Майли, уни буздиринг.. Бироқ, бу ишни бизга топширманг..
Уни бузишга бизнинг журъатимиз етмайди..
- Майли, сизлар бораверинглар. Мен уни бузишга бошқа одамларни юбораман, – дедилар Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам.

Улар бориб, қавмларини Исломга даъват қилдилар, ҳаммалар мусулмон бўлдилар..

Орадан бир неча кун ўтгач, Холид ибн Валид ва Муғийра ибн Шуъба бир қанча саҳобалар ҳамроҳлигига улар юртига кириб келишди.. Сақиф исломни қабул қилгани билан қалбларида ҳануз бутларидан қўрқув сақланиб туради..

Саҳобалар бутга яқинлашдилар.. Атрофда эркагу аёл, ёшу қари тўпланиб турар, ҳаммалари қўрқувдан дағ-дағ титрашар, Баррани бузиш мумкинлиги уларнинг ақлларига сиғмаётган эди.. У ўзига қарши чўкич кўтарганларни асло кечирмайди, уларни албатта ҳалок қилиб ташласа керак, деб кутиб туришарди..

Биринчи бўлиб, бутга Муғийра ибн Шуъба яқинлашиб, қўлига чўкични олди ва асҳобларига кўз қисиб: «Аллоҳга қасамки, ҳозир сизларни Сақиф устидан бир

кулдираман», деди. Сүнг бутга зарб билан чўкич урди-да, ўзи «гурс» этиб йиқилиб, оёқларини қимирлата бошлади..

Йиғилганлар жонҳолатда бақириб юбордилар. Улар Барра уни ҳалок қилганига шубҳа қилишмасди..

Сүнг улар Холидга қараб:

– Қани, яна борми унга яқинлашишга журъат қиладиганингиз?!, – дейишди.

Муғийра уларнинг ўз бутлари ғалабаси билан хурсандликларини кўргач, шартта ўрнидан турди ва уларга қараб қичқирди:

– Ҳой Сақиф жамоаси! Аллоҳга қасамки, бу бутларингиз тошу-тупроқдан тикланган қуруқ савлатдан бошқа ҳеч нарса эмас!.. Сизлар Аллоҳнинг оғиятини қабул қилинг, Унгагина ибодат қилинг!

Шундай деб у бутга чўкич урди. Бошқа сахобалар ҳам гур этиб, бут устига кўтарилилар ва уни синдириб, тошларини пастга улоқтира бошладилар..

Энди ҳозирда ҳамма ёқда савлат тўкиб турган мақбара ва сағаналарни кўринг.. Тасаввур қилинг, бир муваҳҳид келиб, уларни бузиб ташласа, қайси бир сағана ўзи учун ўч ола билар эди?!

Ширк қандай пайдо бўлган?!

Ер юзида ширк қандай пайдо бўлганини ўрганиб кўрсангиз, биласизки, у даставвал солиҳлар ҳақида ғулувга кетиш ва уларни ўз даражаларидан юқори кўтариб юбориш орқали кириб келган..

Нуҳ алайҳиссалом қавмида ёлғиз Аллоҳга ибодат қиладиган ва Унга ширк келтирмайдиган солиҳ муваҳҳидлар бор бўлиб, ер юзида умуман ширк деган нарса тарқалмаган эди.. Улар ичида беш нафар солиҳ зотлар бор эди. Уларнинг исмлари Вад, Сувоъ, Яғус, Яъуқ ва Наср эди. Улар тоат-ибодат билан машғул бўлган, одамларга динни ўргатган кишилар эди. Улар вафот этиб кетишгач, қавмлари бизга ибодатнинг фазилатини эслатиб турадиган, Аллоҳнинг тоатига буюриб турадиган зотлар орамиздан кетиб қолди, деб кўп қайғурдилар..

Кейин орага шайтон аралашди.. Уларнинг суратларини тасвиrlаб, ҳайкалларини ясаб, намозгоҳларингизга қўйиб қўйинглар, шунда уларни кўрганда ибодат завқи ёдларингизга тушиб, завқ-шавқ билан ибодатга киришасизлар, деб васваса қилди..

Уларга бу гап маъқул келиб, мазкур солиҳларнинг шаклларини тасвирга тушириб, масжидларига қўйиб қўйдилар..

Дарҳақиқат, шайтон айтганидек бўлди.. Ҳар сафар уларнинг суратларига боқишишганда у зотларнинг ибодатлари эсларига тушиб, худди улардек ибодат қилишга тиришар эдилар..

Шу зайлда йиллар ўтди.. Бу авлод дунёдан ўтиб кетиб, ортларидан уларнинг фарзандлари ўсиб-улғайди.. Оталари доим мазкур тимсол эгаларини яхшилик билан тилга олишларини қўриб катта бўлишгани учун улар ҳам оталаридан ўрнак олиб, уларни улуғлаб, табаррук қўриб ўтдилар..

Сўнг улардан кейинги авлодлар даври келди.. Шайтон уларга ота-боболари мазкур ҳайкалларга ибодат қилишганини, қаҳатчилик ва бошқа қийинчилик пайтларида улардан мадад тилаб ўтишганини уқтириди.. Шундай қилиб, уларга ибодат қилиш бошланди..

Кейин Аллоҳ таоло уларга Нуҳ алайҳиссаломни пайғамбар қилиб юборди. У зот 950 йил улар ичида даъват билан машғул бўлдилар. Аммо, жуда озчилик кишиларгина унинг даъватини қабул қилди..

Шундан сўнг Аллоҳ таоло кофирларга ғазабини туширди.. Уларни тўфон балосига гирифтор этиб, ҳалок қилди.

Нуҳ алайҳиссалом қавмидаги ширк ана шундай бўлиб бошланган ва ривожланган эди..

Иброҳим алайҳиссалом қавмида ширк қандай пайдо бўлган?

Улар юлдузларга сифинишар, юлдузларнинг борлиқ ишларига таъсир кўрсатишига, мусибатларни аритишига, дуоларни ижобат қилишига, ҳожатларни бароридан келтиришига ишонишар эди.. Юлдузларни Аллоҳ билан халқи ўртасидаги воситачи деб қўришар, оламдаги ишларни бошқариш уларга топширилган деб эътиқод қилишарди..

Уларга атаб, юлдузлар ва малоикалар шаклида санамлар ясад олишганди..

Иброҳим алайҳиссаломнинг отаси ҳам буттарош бўлиб, ясаган бутларини фарзандлари олиб чиқиб сотишарди.. У Иброҳимни ҳам бут сотишга чиқишига мажбурларди. Иброҳим бозорга чиқиб: «На фойда, на заар етказишга қодир бу ҳайкалларни ким сотиб олади?!» деб қичқиради.. Оға-инилари олиб чиққан бутларини сотиб қайтишар, Иброҳимдаги бутлар эса қандай бўлса, шундайлигича қайтарди.

Кейин у отаси ва қавмини бутларни тарк қилишга чақирди. Улар табиийки, унинг даъватини қабул қилишмади..

Сўнг у уларнинг бут-санамларини чопиб ташлади..

Шундан сўнг уни ўтда куйдириб ўлдиришга уриндилар, бироқ Аллоҳ таоло унга нажот берди.

Ширкка ворислар..

Нуҳ ва Иброҳим алайҳимассалом қавмларининг аҳволи ана шундай бўлганди..

Энди бугунги қабрпастларга келсак.. Хўш, уларнинг мақбара ва сағаналарга боғланишлари қандай бошланади? Кейин қандай қилиб бу уларни ширкка олиб бориб қўяди?

Алоқа солиҳ ва тақводор зотларнинг шахсини муқаддас санаш билан бошланади..

Шундан келиб чиқиб, мазкур муқаддас маконлар зиёрати мустаҳаб саналади.. Зиёрат, ўлим ва охиратни эсга олиш учун эмас, балки солиҳ шайхни эслаш ва ундан ибрат олиш мақсадида бўлади.. Унинг қабри олдида Аллоҳга қилинган дуо ижобат бўлади, деб эътиқод қилинади.. Сўнг қабрни силаш, ўпиш, унинг тапроғини юз-кўзга суртиш бошланади.

Кейин эса қабр эгасини ўзлари билан Аллоҳ орасида шафоатчи ва воситачи қилиб олишади. Қабр эгасини гуноҳлардан пок ва мукаррам зот деб, унинг Аллоҳ ҳузурида алоҳида жоҳи (хурмати) бор деб эътиқод қиладилар. Ўзларини гуноҳларга ботган ва Аллоҳга бевосита дуо қилишга нолойиқ одамлар деб кўрадилар. Шунинг учун ҳам қабр соҳиби улар билан Аллоҳ ўртасида воситачи бўлиши зарур деб ўйлайдилар.

Сўнг зиёратчилар қалбига шайтон йўл солади.. Уларга модомики, мазкур қабр соҳиби мукаррам зот экан, Аллоҳ унга қудрат ва тасарруф бериши мумкин-ку, деб уқтиради.

Шундан сўнг зиёратчи ич-ичидан қабр эгасини улуғлай бошлайди, қалбини унинг маҳобати эгаллайди, ундан умидвор бўлади.

Охири бориб, унга дуо-илтижо қилишга, ундан мадад сўрашга ўтади. Унинг қабри устига масжид солади ё маҳсус сағана ва мақбара кўтаради.. Унга чироқлар ёқади, устига ёпқилар ёпади.. Унга сажда қилиб, тавоф қилиб, силаб ва ўпиб, зиёратини ҳаж атаб, унинг ёнида жонлиқ бўғизлаб ибодат қилишга ўтади..

Унинг кароматлари ҳақида сўзлай бошлайдилар.. Бу ҳақда қиссалар, ҳикоялар тарқалади.. Мана бу аёл у зотга дуо қилиб, яхши жойга турмушга чиқибди.. Бошқа бир фарзандсизи эса фарзандли бўлибди.. ва ҳоказо..

Кимда-ким мозорлар остонасига бош урса ноумид қайтмайди, албатта ҳожати бароридан келади, муродига етади, деб бот-бот тақрорлайдилар..

Бир тижоратчидан: «Нега сен харидорларингга доим фалон шайхнинг мозори билан қасам ичсан, Аллоҳга қасам ичиб қўя қолсанг нима бўлади?!», деб сўралганда у: «Бу ердагилар Аллоҳ номига ичилган қасамга кўнмайдилар, фақат фалончи пиrimизнинг мозори билан қасам ичсангиз қабул қилишади», деб жавоб берибди..

Қаранг, мозорни улуғлашлари Аллоҳни улуғлашдан ўтиб кетибди!!

Модомики, иш шундай экан, нима фарқи бор.. бир уюм тупроқ бўладими.. ёғоч ва тош бўладими.. мақбара ва сағана бўладими.. ҳайкал ва санамлар бўладими.. ё бошқа бирон махлукот бўладими.. ҳеч қандай фарқи йўқ. Мұхими, ниманидир муқаддас санаш, унга топиниш, уни фойда ва зарар етказишга қодир деб, шафоатчи бўлади, беҳожат қилади, деб эътиқод қилиш..

Уларнинг ҳолатлари Абу Ражо ал-Аторудий розияллоҳу анҳу айтиб берган ҳолатга нақадар ўхшаш!! У киши ҳикоя қилади:

Жоҳилият пайтида бутларга, тош ва дарахтларга сифинардик.

Бировимиз бир тошга сифиниб юриб, ундан чиройлироқ бошқа бир тошни кўриб қолса, қўлидаги «илоҳ»ини улоқтириб, ҳалиги янги «илоҳ»га сифиниб кетаверарди.

Агар тош топилмаса, бир ҳовуч тупроққа қўйни соғиб, қотган лойига сифинардик..

Бир марта сафарга чиқдик. Одатда сифинадиган «илоҳ»имиз – тошимизни ҳам бирга олиб уни хуржунга солиб қўярдик. Йўлда таом тайёрлаш учун ўт қалаб, қозон қўйишга иккита тош топиб, учинчисини топа олмасак, учинчиси ўрнига «илоҳ»имизни қўйиб, устига қозон қўярдик... Бир манзилга тушдик.. Хуржундан тошни олиб, ибодат қилдик.. Кейин йўлга тушдик.. Бир қанча юрганимиздан кейин ичимиздан кимдир: «Хой, худойимиз йўқолиб қолибди, уни қидириб топайлик!» деб қичқириб қолди. Шундан сўнг ҳаммамиз туяга минганча уни қидиришга тушдик.. Қидириб юарканмиз, кимдир биров: «Хой, мен худойимизни топдим.. ё худди унга ўхшайдиган бир тош топдим», деб хитоб қилди. Кўчларимиз олдига қайтиб келсам, қавмим бир санамга сажда қилаётган экан.. Шу ерда унга атаб туя сўйдик.

Мушрикларнинг Исломдан олдинги жоҳилият давридаги жаҳолатларидан ажабланамиз.. Бироқ, бугунги кундагиларининг жаҳолатлари ҳам ундан кам эмас!!

Худо ҳаққи, айтингчи, тошга сифинадиган одам билан қабрга сифинадиган одамнинг нима фарқи бор?!

Хожатини санамлардан сўрайдиган одам билан тупроқ ва суяклардан сўрайдиган одам ўртасида нима фарқ бор?!

Авлиёларнинг қабрларига топинадиган одам билан лой ва сувга топинадиган одам ўртасида нима фарқ бор?!

Ҳа, уларнинг ҳаммаси ҳам бир хил: «Биз уларга фақат улар бизни Аллоҳга яқинлаштиришлари учунгина ибодат қиласиз», дейишади.

Мана шу нарса у қабрпастларни очиқ бутпастликка тушириб қўйган.

Тўртта эътиroz...

Биринчи эътиroz:

Кўпинча, ўша қабрларга боғланиб қолган ва уларга дуо-илтижо қиласидиганлар эътиroz билдиришади: «Сизлар ўта қаттиқ оласизлар.. Аслида, биз ўликларга сифинмаймиз.. Лекин, у қабр соҳибларининг Аллоҳ ҳузурида алоҳида ҳурмат-эътиборлари бор, улар Аллоҳ олдида бизга шафоатчи бўладилар».

Биз айтамиз: Қурайш кофириларининг санамларга ибодат қилишдаги ширклари ҳам шу эди, ўзи. Араб мушриклари ҳам рубубият тавҳидига иқрор эдилар.. Яратувчи, ризқ берувчи, борлиқ ишларини юргизувчи ягона ва шериксиз Аллоҳ эканига ишонардилар.

Аллоҳ таоло айтганидек: «(Эй Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтинг: «Ким сизларга осмон ва заминдан ризқ берур ёки ким қулоқ-кўзларингизга эгалик қилур?! Ким ўлиқдан тирикни чиқарур ва тириқдан ўлиқни чиқарур ҳамда ким барча ишларни тадбир қилиб турур?!» Улар албатта: «Аллоҳ», дейдилар. Бас, сиз айтинг: «Ахир Ўша зотдан қўрқмайсизларми?!» (Юнус: 31).

Бироқ, шунга қарамай, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларга қарши жиҳод қилдилар, қонларини ва молларини ҳалол қилдилар.. Чунки, улар Аллоҳ азза ва жаллани ибодатнинг барча турида яккаламаган ва ибодатларини ёлғиз Унгагина қилмаган эдилар..

Аллоҳдан бошқага сифинишдан огоҳлантирувчи оят ва ҳадислар Аллоҳга ширк келтириш – банда ибодатда Аллоҳга бошқа бировни тенг қилишидир деб тушунтиради. Ўша бошқа биров санам бўладими, тошми, пайғамбар бўладими, валийми ё қабрми, фарқсиздир.

Ҳа, ширк – ёлғиз Аллоҳгагина хос бўлган нарсани Ундан ўзгасига бағишлиашдир, бунда Аллоҳдан ўзгасини жоҳилият даврида бўлганидек бут ё санам деб аталадими, ёки ҳозирда айтилаётганидек валий, қабр, қадамжо деб аталадими, фарқи йўқдир.

Агар ҳозир қандайдир янги бир фирмә чиқиб, Аллоҳнинг жуфти ва фарзанди бор, деб даъво қилса, унинг ҳукми насронийларнинг ҳукми билан бир хил бўлади. Уларга насронийлар ҳақида нозил бўлган оятлар қўлланади. Гарчи улар ўзларини насроний атамасалар ҳам.. Чунки, ҳар иккисининг ҳукми битта.. Бугунги кундаги қабрпастлар ҳақида ҳам шу гап айтилади.

Иккинчи эътиroz:

Қабрларга боғланиб қолган айрим кишилар эътиroz билдиришади:

Биз қабрлардаги валий ва солиҳларга фақат улардан шафоат талаб қилиб, курбат қиласиз. Мазкур улуғ зотлар дунёдалик пайтларида солиҳ кишилар бўлиб, кундузлари рўзадор, кечалари йиғи ва ибодат билан ўтган зотлар эди. Уларнинг Аллоҳ ҳузурида хурматлари бор. Биз улардан фақат Аллоҳ олдида бизга шафоатчи бўлишларини сўраймиз, холос...

Уларга айтамиз:

Эй шўрлик қавм, сизлар Аллоҳнинг чорловига ижобат қилинглар ва Унга иймон келтиринглар!..

Аллоҳ таоло бировларни шафоатчилар қилиб олишни ширк деб атади. Аллоҳ таоло айтади: «**Улар Аллоҳни қўйиб, ўзларига зиён ҳам, фойда ҳам етказа олмайдиган нарсаларга ибодат қиласилар ва:** «**Ана шу нарсалар Аллоҳ ҳузурида бизларнинг оқловчиларимиз», дейдилар.** Айтинг: «**Аллоҳга осмонлар ва Ердаги У зот билмайдиган нарсаларни (шерикларни) билдириб қўймоқчимисизлар?! Аллоҳ уларнинг (мушрикларнинг) ширкларидан пок ва юксак бўлган зотдир» (Юнус: 18).**

Уларга яна айтамиз: Биз ҳам Аллоҳ таоло пайғамбарлар ва авлиёларга шафоат ато этишига худди сизлардек ишонамиз.. Улар Аллоҳга энг яқин одамлар деймиз.. Лекин, Раббимиз уларга дуо қилишдан ва улардан сўрашдан қайтарган.

Ҳа.. Анбиёлар, авлиёлар ва шаҳидларнинг Аллоҳ ҳузурида шафоатлари бор.. Лекин, у уларнинг қўлларига бериб қўйилган ва улар ўзлари истаган кишиларига қиласерадиган, истаган кишиларини ундан маҳрум қиласиган шафоат эмас. Йўқ, асло ундей эмас. Балки, улар Аллоҳ таоло изн берганидан кейин ва У рози бўлсагина шафоат қила оладилар.

Учинчи эътиroz:

Қабрларга боғланиб қолган айрим кишилар баъзан эътиroz билдиришади:

Аксарият мусулмонлар қадимда ҳам, ҳозирда ҳам қабрлар устига бино қуриб келишади, мозор ва қадамжолар барпо қилишади, улар олдида дуо қилишга интилишади.. Бундан чиқди, умматнинг ҳаммаси ботилда экан-да?! Фақат сизларгина ҳақ устида экансизлар-да?!

Биз уларга айтамиз: Юқорида айтиб ўтганимиздек, ушбу мақбара ва қадамжоларнинг аксарияти сохта бўлиб, эгаларига нотўғри нисбат берилади.. Қолаверса, қабрлар устига бино қилиш ва улар олдида дуони қасд қилиш бидъатdir.

Ҳадисда келганидек: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Яхудий ва насронийларга Аллоҳнинг лаънати бўлсин, пайғамбарларининг қабрларини масjid қилиб олишди» деб, уларнинг қилмишларидан (умматларини) огоҳлантиридилар» (Муттафақун алайҳ).

Тўртинчи эътиroz:

Шайтон баъзи қалбларга тез-тез келтириб турадиган яна бир шубҳа бор.. Яъни, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қабрлари ҳам у зотнинг масжидлари ичida жойлашган, ҳеч ким бунга эътиroz билдирмайди-ку?! Агар бундай қилиш ҳаром бўлганида у киши масjidга дафн қилинмаган бўлардилар. Ундан ташқари, у зотнинг қабрлари устида баланд қубба ҳам тикланган!

Жавоб шуки: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам вафот этган ўринларига дафн қилинганлар. Зотан, ҳадисда келганидек, пайғамбарлар вафот этган ўринларига дафн қилинадилар. У зот ҳам ўзлари вафот этган хонага – Оиша розияллоҳу анҳонинг ҳужраларига дафн қилинганлар, масjidга эмас. Ишнинг аввалида шундай эди..

Саҳобалар улардан кейин бирор у зотнинг қабрларини масjidга айлантириб олмаслиги учун ҳам у зотни Оиша розияллоҳу анҳо ҳужраларига дафн этгандар.. Чунки, Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинган ҳадисда келганидек, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам вафот этган касалликлари ичida: «Аллоҳ яҳуд ва насороларни лаънатласин, улар пайғамбарларининг қабрларини

масжидларга айлантириб олишди», деганлар.. Оиша розияллоҳу анҳо айтадилар: «Агар шундай демаганларида эди, у кишининг қабрлари (девор билан ўралмасдан) очиб қўйилган бўларди. Лекин, у зот масjid қилиб олинишидан кўрқдилар» (Муттафақун алайҳ).

Ҳа, даставвал у зот Оиша розияллоҳу анҳонинг ҳужраларига дафн этилдилар.. Оиша розияллоҳу анҳонинг ҳужралари масжиднинг шарқий томонига жипс қилиб солинган эди..

Йиллар ўтиб, мусулмонлар сони кўпайиб борди.. Саҳобалар масжидни ҳамма тарафидан кенгайтириб бордилар, фақат қабрлари жойлашган томонга тегмадилар.. Уни ғарб, шимол, жануб томонидан кенгайтирдилар.. Фақат шарқ томони кенгаймасдан қолди.. Чунки, у зотнинг қабрлари бундан тўсиб туради..

Саксон саккизинчи йилга келиб, яъни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг вафотларидан 77 йил ўтгач, Мадинада яшаб турган саҳобалар деярли ҳаммаси вафот этиб кетишгач, халифа Валид ибн Абдулмалик масжиди набавийни кенгайтириш мақсадида бузишга амр қилди. Уни барча тарафидан кенгайтиришга буюрди.. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг завжаларига тегишли барча ҳужралар ҳам масжидга қўшиб юборилди. Шу қаторда Оиша розияллоҳу анҳонинг ҳужралари ҳам масjid ичига кириб қолди (Қаранг: «Ар-радду алал-Ахнаъий», 184-бет, «Мажмуъул-фатава», 27/323, «Тарих Ибн Касир», 9/74).

Қабр ва масjid воқеаси ана шундай бўлганди..

Бинобарин, саҳобалардан кейин содир бўлган иш билан ҳужжат қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.. Бу иш собит ҳадисларга ва умматнинг салафлари тушунчасига хилоф бўлган.. Валид ибн Абдулмалик – Аллоҳ уни афв қилсин – ҳужраи саодатни масjid ичига киритиб хато қилган.. Чунки, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам қабрлар устига масжидлар бино қилишдан қайтаргандилар.. Масжидни қолган учала тарафдан кенгайтириб, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳужраларига тегилмаслик тўғри бўларди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қабрлари устига тикланган кубба ҳам шундай бўлган. Уни на Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўзлари, на саҳобалари ва на тобеин ва табаъ тобеинлар ва на умматнинг уламолари ва миллатнинг имомлари қурдиришган.. Балки, у зотнинг қабрлари устига тикланган бу кубба кейинги даврдаги миср подшоҳларидан бирининг, яъни Малик Мансур деган ном билан машҳур бўлган Қаловун ас-Солиҳийнинг амри билан 678-ҳижрийда барпо қилинган.. (Қаранг: «Таҳзирус-сажид», Албоний, 93-

бет, «Сироъ байнал-ҳаққи вал-батил», Саъд Содик, 106-бет, «Татхирул-эътиқод», 43-бет).

Нидо.. Нидо..

Қабрдагиларга боғланиб қолганларга айтаман: Эй қавмимиз! Аллоҳга даъват қилувчининг даъватини қабул қилинглар ва Аллоҳга иймон келтиринглар!

Аллоҳ ҳаққи, айтингларчи, салафи солиҳлар қабрларни гипслаб сувармидилар?!.. Мозор ва сағаналарни воситачи қиласидилар?!.. Ҳамма нарсадан Хабардор ва ҳамма нарсанинг Эгасидан ғофилмидилар?!

Улардан бирорталарини Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қабрлари олдида ё у зотнинг асҳобларидан ё аҳли байтларидан бирининг қабрига келиб, ҳожатини тилаганини, мусибатини аритишини сўраганини биласизларми?!

Рифоий, Дасуқий, Жийлоний, Бадавийлар Аллоҳ ҳузурида ҳурматлироқми ё пайғамбарлар, саҳобалар ва тобеинларми?!

Қаранг, Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу халифалик даврларида Мадинада қурғоқчилик бўлиб, ёмғир узилиб қолганида саҳобалар бу ҳақда Умарга шикоят қилиб келдилар. Шундан сўнг Умар розияллоҳу анҳу улар билан бирга Аллоҳдан ёмғир тилаш учун чиқдилар.. Истисқо намозини ўқигач, қўлларини кўтариб, дуо қилдилар: «Эй Аллоҳим! Биз Сенга пайғамбаримизнинг дуоларини восита қилардик ва Сен бизга ёмғир ёғдирап эдинг. Энди Сенга пайғамбаримизнинг амакиси дуосини восита қиласиз, бизга ёмғир ёғдиргин», дедилар. Сўнг Аббос ибн Абдулмуттолиб розияллоҳу анҳуга қараб: «Туринг эй Аббос, Аллоҳдан ёмғир ёғдиришини сўраб дуо қилинг», дедилар. Аббос ўринларидан туриб Аллоҳдан ёмғир сўраб дуо қилдилар.. Одамлар унинг дуосига «омийн» дейишиб, йиғлаб, Аллоҳга ёлвордилар. Шунда Аллоҳ уларга ёмғир ато этди.

Саҳобаи киромнинг қилган ишларини кўринг.. Улар биздан кўра фақиҳроқ, биздан кўра Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга муҳаббатлироқ эдилар. Эҳтиёж етган ва бошларига кулфат тушган пайтда улар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қабрларига бормадилар, «Ё Расулуллоҳ, Аллоҳ олдида бизга воситачи бўлинг», демадилар.. Йўқ.. Улар ўлиқдан дуо қилиб сўраш – гарчи у пайғамбар бўлса ҳам, валий бўлса ҳам – жоиз эмаслигини яхши билардилар.

Улар бошларига иш тушганда солиҳ дуолар воситасида мусибатларини аритишни истардилар..

Ох, яна ох бугунги кунда қабрлар атрофида тўлиб-тошган, ўликлардан мағфират ва раҳмат талаб қиласидан бечоралар ҳолига!!

Шўринг қурғур қавмим! Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам сурат ва ҳайкаллардан қайтарғанларида бекордан-бекорга қайтарғанлар деб ўйлайсизми?! Ё у зот мусулмонларга аввалги жоҳилиятлари қайтиб қолишидан, уларнинг сурат ва ҳайкалларга сигиниб кетишларидан хавф қилғанмидилар?

Сурат ва ҳайкалларни улуғлайдиган кишилар билан мозор ва қадамжоларни улуғлайдиган кишилар ўртасида нима фарқ бор?!. Модомики, ҳар иккиси ҳам ширкка судрайдиган бўлганидан кейин, тавҳид ақидасига путур етказадиган бўлганидан кейин?!..

Аллоҳдан бошқасига қасам ичиш ширкка олиб борувчи воситалардан

Каъбага қасам ичиш ё омонатга, шарафга, кимнингдир баракасига, кимнингдир ҳаққи-ҳурматига, ҳатто пайғамбар ва валийнинг ҳаққи-ҳурматига, ота-онага қасам ичиш – булар ҳаммаси ҳаромдир. Чунки, қасам ичиш улуғлаш демақдир, у Аллоҳдан бошқасига дуруст бўлмайди.

Имом Аҳмад Ибн Умар розияллоҳу анхумодан марфуан ривоят қилған ҳадисда айтилади: «Ким Аллоҳдан бошқасига қасам ичса, ширк келтирибди»..

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким қасам ичмоқчи бўлса, Аллоҳга қасам ичсин ёки жим бўлсин», деганлар..

Аллоҳдан бошқасига қасам ичган киши агар ўша бошқанинг улуғлигини Аллоҳнинг улуғлигича деб эътиқод қилса, бу иши катта ширк бўлади.. Агар унинг улуғлигини Аллоҳнинг улуғлигидан камроқ деб кўрса, кичик ширк бўлади.

Кимнинг тилига қасдсиз қасам лафзи келса, унинг каффорати «Ла илаҳа иллаллоҳ» дейишидир. Чунки, имом Бухорий ривоят қилған ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким қасам ичиб, қасамида «Лот ва Уззога қасам» деган бўлса, «Ла илаҳа иллаллоҳ» десин», деганлар.

Аллоҳдан бошқасига қасам ичиш кимнинг тилига келадиган бўлиб қолган бўлса, у буни даф қилиш учун нафсига қарши курашиши лозим.

Баъзилар бўладики, Аллоҳни ўртага қўйиб, bemalol ёлғон қасам ичаверади, аммо пирини ўртага қўйиб ёлғон қасам ичишга журъат қилолмайди.

Айрим одамлар тилига ўрганиш бўлиб қолган ширк лафзларидан:

«Аллоҳ хоҳласа ва сиз хоҳласангиз», «Агар Аллоҳ ва фалончи бўлмаганида...», «Менинг сендан ва Аллоҳдан бошқадан умидим йўқ...», «Бу Аллоҳнинг баракотидан ва сенинг баракотингдан» каби иборалар.

Тўғриси: «Аллоҳ хоҳласа, кейин фалончи хоҳласа», «Агар Аллоҳ бўлмаганида, кейин фалончи бўлмаганида», «Менинг Аллоҳдан сўнгра сиздан бошқадан умидим йўқ», «Бу Аллоҳнинг баракотидан сўнгра сенинг баракотингдан», деб айтилишидир..

Ширкка олиб борувчи воситалар:

Кўздан ва бошқа нарсалардан сақланиш мақсадида тумор, кўзмунчоқ ва шунга ўхшаш нарсалар тақиб олиш. Агар бу нарсаларни фақат балони даф қилиш ё ундан сақланиш сабаби ва йўли деб эътиқод қилса, кичик ширк бўлади.

Аммо, агар бу нарсалар ўзи мустақил равишда балони даф қилади ё ундан сақлайди деб эътиқод қилса, катта ширк бўлади. Чунки, бу билан у Аллоҳдан бошқага боғланган ва Аллоҳдан бошқасини борлиқ ишлари тасарруфида Аллоҳга тенг қилган бўлди.

Тумор икки хил бўлади:

Бир хили Қуръон оятлари бўлиб, уларни бир бўлак матога ё терига ё тиллага ё бошқа нарсага ёздириб, тақиб юрилади. Бундай қилиш жоиз эмас. Чунки, на Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам, на саҳобалари бундай қилганлари айтилмаган.. Қолаверса, бу бошқача тумор осишга ҳам йўл очиб беради.

Иккинчи хил туморга Қуръон оятларидан бошқа нарсалар ёзилган бўлади. Масалан, жинларнинг номлари, сеҳргарларнинг рамзлари ва ҳоказо.. Бу ширкка олиб борувчи воситадир, Аллоҳ сақласин.

Ибн Масъуд розияллоҳу анҳу айтганлар: «Ким бир одамдан туморни узиб ташласа, гўё қул озод қилгандек бўлибди».

Ҳузайфа ибн ал-Ямон розияллоҳу анҳу бир кишининг қўлига мис ҳалқа тақиб олганини кўриб: - Нима бу? - деб сўрадилар.

У: – Ҳолсизликдан сақланиш учун, - деб жавоб берди.

– Ечиб ташла! Чунки, бу сенга ҳолсизликдан бошқа нарсани зиёда қилмайди. Агар шуни таққан ҳолда ўлиб кетсанг, асло нажот топмайсан, - дедилар.

Руқя (дам солиш), яъни беморга ўқиладиган зикр ва вирдлар ҳақида ҳам шунга яқин гап айтиш мумкин. Унинг ҳам жоизи ва ножоизи бор.

Аллоҳнинг каломи, исм ва сифатларидан ўқилса, жоиз бўлади. Масалан, «Фотиха» ва икки «қул аъувзу»ни ўқиб, беморга дам солиш ёки суннати набавияда келганидек дуо ва зикрлар ўқиш каби.

Аммо, жинларнинг исмларини тақрорлаш ва ҳатто малоикалар, пайғамбарлар ва авлиёларнинг номларини тақрорлаб айтиш Аллоҳдан бошқага дуо қилиш саналади ва катта ширк бўлади.

Руқянинг тўғри қўриниши – ўқиб, беморга дам солинади ёки сувга ўқиб, уни беморга ичирилади.

Ғайб илмини даъво қилиш ҳам ширк

Зеро ғайбни Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайди. Аллоҳ таоло айтади: «**Айтинг: «Осмонлар ва ердаги бирон кимса ғайбни билмас, магар Аллоҳгина (билур)**» (Намл: 65).

Ҳеч ким, ҳеч қачон ғайбни билолмайди. На муқарраб фаришта, на пайғамбар, на валий, на имом. Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайди.

Фақат Аллоҳ таоло Ўз пайғамбариға ғайбдан Ўзи истаган нарсани ваҳий қилиши мумкин. Аллоҳ таоло Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга кофирларнинг у кишига қиладиган макрларини, қиёмат аломатларини ва ҳоказоларни хабар бергани каби.

Кимда-ким кафт ва пиёладаги белгиларни ўқиш орқали, ё юлдузларга назар солиб, ё фолбинлик ва сеҳр орқали, хуллас қай усулда бўлмасин, ғайбни билишни даъво қилса, у ёлғончи ва кофирдир.

Тушириб қўйилган ё йўқолган нарсаларнинг хабарини бериш, айрим касалликлар сабабларини айтиб бериш каби ёлғончи ва қўзбўямачилар қиладиган ишлар жин ва шайтонларни ишга солиш орқали ҳосил бўлади.

Баъзи иймони заиф одамлар мунахжимларга бориб, ўзининг келажаги ё кимга уйланиши ҳақида сўрашади. Бундай қилиш ҳаром. Ким ғайбни билишни даъво қилса ёки шундай даъво қилган одамни тасдиқласа, у мушрик ва кофир бўлади.

Газета-журналларда чиқадиган мунахжим башоратлари, шунингдек, ғайбни билиш даъвосидаги кишиларга қўнғироқ қилиб, улардан айрим нарсаларни сўраш ҳам ҳаром, у ҳам айни шунга киради.

Сөхргарлик, фолбинлик, башоратчилик ҳам ширкка олиб борувчи воситалардир

Сөхр – азоимлар, ҳар хил дорилар ва тутатқилар бўлиб, аслида унинг ҳақиқати бор бўлади. У қалбларга ва баданларга таъсир қиласди, касал қилиб қўяди, баъзан ўлимга ҳам олиб келади, киши билан аёли ўртасини ажратиб ташлайди.

У энг катта гуноҳлар жумласига киради. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Еттиғ ҳалок қилувчи (гуноҳлар)дан сақланинглар!» «Ё Расулуллоҳ, улар қайсилар?», деб сўрадилар. «Аллоҳга ширк келтириш, сөхргарлик, ноҳақ одам ўлдириш, судхўрлик, етимнинг молини ейиш, жанг пайтида ортга қочиш, покиза ва фахшдан бехабар мўмина аёлларни бузуқлик билан тухматлаш», дедилар (Муттафакун алайҳ).

Сөхр жин-шайтонларни ишлатиш, уларга боғланиш, уларни хизматга солиш учун улар яхши қўрадиган нарсалар билан уларга қурбат ҳосил қилиш орқали ҳосил бўлади. Қолаверса, сеҳрда ғайбни билиш даъвоси ҳам бўлади. Бу куфр ва залолатдир.

Шунинг учун Аллоҳ таоло айтган: «Уларнинг қилган нарсалари фақат бир сөхргарнинг макри-ҳийласи холос. Сөхргар эса қаерда бўлмасин зафар топмас» (Тоҳа: 69).

Сөхргарликнинг ҳукми қатл қилинишдир. Саҳобалардан бир жамоаси шундай қилганлар.

Ажабки, бизнинг замонамизга келиб, одамлар сөхргарликка бепарво қарайдиган бўлиб қолдилар. Аксинча, уни фан ва санъат даражасига кўтариб, мақтанадиган бўлдилар. У билан шуғулланувчиларга мукофотлар тақдим қилинадиган бўлди.

Сөхргарлар учун сайиллар ва мусобақалар уюштириладиган бўлди, уларга минглаб ишқибозлар ҳозир бўлади. Бу эса ақидага жуда бепарво қарашиб деганидир.

Сөхргарга Абу Зар розияллоҳу анҳу қилганларидек иш қилиш яхши бўлади, аслида.

У киши халифалардан бири ҳузурига кирганларида у ерда бир сөхргарнинг қилич ўйнатаётганини, одамлар кўзига худди бир одамнинг бошини узиб, кейин яна қайтариб қўяётгандек кўрсатаётганини кўрдилар.

У киши эртаси куни яна келдилар. Қилич тақиб, устидан ридоларини кийиб олгандилар. Кейин халифа ҳузурига кирдилар. Ҳалиги сөхргар яна ўша ҳунарини кўрсатаётган, ҳамма оғзи очилиб, уни олқишлиар эди.

Абу Зар унга яқинлашиб, ридолари остида яширган қиличларини шартта сұғурдилар-да, сәхр гарнинг бүйнига зарб билан уриб, унинг бошини учирив юбордилар. Сәхр гар гурсиллаганча ерга қулади. Сүңг Абу Зар розияллоху анху: «Мен Расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг: «Сәхр гарнинг жазоси қилич билан чопищдир» деганларини эшитганман», дедилар, кейин сәхр гарга: «Қани, энди ўзингни тирилтиргин-чи!!», деб хитоб қилдилар.

Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам: «Ким фолбинга бориб, унинг айтаётган гапларини тасдиқласа, у Мұхаммад соллаллоху алайхи ва салламга нозил қилингандар нарасага коғир бўлибди», деганлар (Аҳмад ва Абу Довуд ривоятлари).

Огоҳ бўлиш лозимки, сәхр гарлар ва фолбинлар одамларнинг ақидалари билан ўйнашадилар. Баъзилари ўзларини табиб кўрсатиб, беморларга Аллоҳнинг исмини айтмай жонлиқ сўйишга буюрадилар, фалон-фалон сифатда бўлган қўзи ё хўroz сўйгин дейдилар.

Баъзан уларга турли ширкона тилсимлар, шайтоний туморлар ёзиб берадилар, уларни бўйинларига осиб олишга ё сандиқларига солиб қўйишга буюрадилар.

Баъзан сәхр гар ўзини кароматли валий сифатида кўрсатади. Ўзига қилич уради ё ўзини автомашина ғилдираги тагига ташлайди ва унга буларнинг таъсири ўтмайди.

Ёки бошқа кўзбўямачиликларни қиласиди, улар ҳақиқатда шайтон амалидан бўлган сәхр бўлиб, шайтон уни ўша сәхр гар қўлида амалга оширади.

Сәхр гарларнинг шайтонлари Аллоҳни зикр қилингандан қочади.

Бир ёш йигит ҳикоя қилиб берганди.

У бир мамлактга сафар қилганида циркка кирган экан. У айтади: Ҳар хил ўйинларни томоша қиларканмиз, орада бир аёл чиқиб, арқон устида ажойиб маҳорат билан юра бошлади. Кейин у бир сакраб, деворга ўтди ва деворда худди пашшадек юриб кетди. Одамлар ҳайратдан оғизлари очилиб қолганди. Ичимда айтдимки, бу аёл қилаётган ҳаракатлар машқ билан эгаллаб олинадиган иш бўлиши мумкин эмас. Тўғри, мен гуноҳкорман, бироқ муваҳҳидман! Бу каби сәхр гарликка рози бўлмайман. Бироқ, нима қилишим керак?!

Шунда сәхр ва сәхр гарлар ҳақида эшитганим жумъа хутбаси эсимга тушди. Унда имом хатиб сәхр гарлар шайтонларни ишга солишини айтиб, шайтоннинг фириб-найранги Аллоҳ номи зикр қилингандан бекор бўлиб қолишини ва шайтоннинг кучи қирқилишини айтиб берганди.

Үрнимдан туриб, саҳна томонга яқинлашиб бордим. Одамлар тинмай қарсак чалишар, мени ҳам азбаройи қойил қолганидан саҳнага яқин бориб олди, деб ўйлашган бўлса керак.

Саҳнага этиб келиб, сеҳргар аёлга яқинлашиб, унга қаттиқ тикилганча «Оятул-курсий»ни (Аллоҳу ла илаха илла ҳувал ҳайюл қайюм оягини) ўқидим. Шунда аёл чайқала бошлади. Аллоҳга қасамки, оят тугар-тугамас у ерга йиқилиб, типирчилай бошлади. Одамлар гурр этиб қўзғолиб, уни кўтариб, шифохонага олиб кетдилар.

Аллоҳ рост айтади:

«Шубҳасиз, шайтоннинг макри заиф бўлувчиидир» (Нисо: 76).

«Улар макр қилдилар. Аллоҳ ҳам «макр» қилди. Аллоҳнинг «макри кучлироқдир» (Оли Имрон: 54).

Ҳайкалларни ва хотира тошларини улуғлаш ҳам ширкка олиб борадиган воситалардан

Тимсол ёки ҳайкал – инсон ё жонивор шаклида ясалган монумент ва бюстдир.

Хотира тошидан мурод – доҳийлар ва раҳбарларнинг ҳайкаллари бўлиб, одатда уларни майдонларга, парк ва кўчаларга ўрнатиб қўйилади.

Ер юзида ширк мана шу ҳайкаллар сабабли бошланган.

Ана, Нуҳ алайҳиссалом қавми ҳам ўз ичларида ўтган солиҳ кишиларнинг ҳайкалларини қилишган, замонлар ўтиши билан ўша ҳайкалларга сифиниб кетишган.

Шунинг учун Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам тимсоллар қилишдан ва суратлар осишдан қайтарганлар. Чунки, бунда ширкка йўл очилади.

Балки, у зот мусаввирларни лаънатлаганлар ва улар қиёмат куни энг азоби қаттиқ кишилар бўлишини хабар берганлар. Суратларни ўчириб ташлашга буюрганлар ва сурат бор уйга фаришта кирмаслигини айтганлар.

Бидъат қўринишидаги тавассул ҳам ширкка олиб борувчи воситадир

Масалан: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг жоҳлари (яъни, ҳаққи-хурматлари) билан тавассул (восита) қилиш, маҳлуқларнинг шахси ёки ҳаққи-хурматлари билан тавассул қилиш, ўликлардан шафоат талаб қилиш, уларга дуо-илтижо қилиш каби. Мусулмон киши дуосида: «Парвардигорим! Сендан пайғамбаринг жоҳи билан ё фалончининг ҳаққи-хурматидан ё фалон пиrimнинг руҳи поки хурматидан сўрайман» каби сўзларни айтиши жоиз бўлмайди.

Жоиз ва шаръий тавассул қўриниши – Аллоҳга Унинг исм ва сифатлари билан тавассул қилишдир. Масалан: «Эй Раҳийм (раҳмли зот), мени ўз раҳматингга ол» ёки «эй Faфур (кечирувчи зот), мени мағфират қилгин» каби.

Шунингдек, Аллоҳ таолога иймонни ва солиҳ амалларни восита қилиб сўраш ҳам жоиз. Масалан, «Эй Аллоҳим! Сенга бўлган иймоним ва пайғамбарларингни тасдиқлашим сабабидан мени жаннатингга киргизгин» деганга ўхшаш.

Ёки бўлмаса, тирик бўлган солиҳ кишиларнинг дуоларини восита қилиш ҳам мумкин. Масалан, ҳаёт бўлган бир солиҳ зотдан ўзига дуо сўраш жоиз. Чунки, мусулмон кишининг мусулмон биродари ҳаққига орқасидан қилган дуоси ижобат бўлади. Аммо, қабрдаги майитдан дуо талаб қилиш жоиз бўлмайди.

Юқорида айтилганлар ҳаммаси Аллоҳнинг бандалар устидаги ҳақларидан бўлиб, уларни Аллоҳ таолодан бошқага буриб юбориш асло жоиз бўлмайди.

Қуидагилар Аллоҳга бўлган иймон жумласига киради:

Аллоҳ ҳамма нарсанинг Рабби ва Угина ибодат қилинишга сазовор ягона зот деб эътиқод қиласиз.

Унинг гўзал исмлари ва олий сифатлари бор деб ишонамиз. **«Бирон нарса у зотга ўхшаш эмасдир. У эшитувчи ва кўриб турувчидир»** (Шуро: 11).

Аллоҳ таоло Ўзи истаган пайт Ўзи истаган кишисига сўзлайди, деб ишонамиз. Аллоҳ таоло айтганидек: **«Мусо билан Аллоҳнинг Ўзи (бевосита) гаплашди»** (Нисо: 164).

Қуръон ва барча самовий китоблар Аллоҳнинг Каломидир.

Аллоҳ таоло Ўзининг Зоти ва сифатлари билан халқидан олийдир деб ишонамиз.

У осмонларни ва ерни олти кунда яратган, сўнг аршида барқарор бўлган деб ишонамиз. Унинг аршида ўрнашиши Ўзининг улуғлиги ва буюклигига хос ва лойиқ бўлган кўринишда деб ишонамиз. Унинг кайфиятини унинг Ўзидан бошқа ҳеч ким билмайди.

У ўз арши устида олий бўлиши билан бирга халқларининг барча аҳволларидан хабардордир. Уларнинг сўзларини эшитади. Қилаётган ишларини кўриб туради. Борлиқ ишларини бошқариб туради.

Мўминлар қиёмат куни парвардигорларини кўрадилар, деб ишонамиз. Аллоҳ таоло айтган: **«У Кунда (мўминларнинг) юзлари яшнаб, Парвардигорларига боқиб турувчидир!»** (Киёмат: 22, 23).

Аллоҳ таоло Ўзининг Китобида хабар берган ёки Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам хабар берган Раббимизнинг ҳар бир сифатлариға биз иймон келтирамиз, бор ҳақиқати билан, Раббимиз азза ва жаллага лойиқ бўлган кўринишда деб ишонамиз.

Фаришталарга иймон келтириш

Аллоҳ уларни нурдан яратган. Уларга ўзларига хос амалларни топшириб қўйган.

Улар Аллоҳга У буюрган ишларда асло осийлик қилмайдиган бандалардир. Ўзларига буюрилган ишни қиласидар. Уларнинг сони бизницидан кўп. Аллоҳдан қўрқувлари ва ибодатлари ҳам бизницидан бисёр.

Бухорий ва Муслим ривоят қилган ҳадисда айтилишича, самода бир уй бор бўлиб, уни Ал-байтул-маъмур деб аталади. Унга ҳар куни етмиш минг фаришта кириб, намоз ўқиб, чиқади. Кейин то қиёматгача унга қайтиб киришга навбат етмайди.

Абу Довуд ва Табароний ривоят қилган саҳих ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Менга Аллоҳ азза ва жалланинг Аршини кўтариб турувчи фаришталаридан бир фаришта ҳақида сўзлаб беришга изн берилди. Унинг қулоги юмшоғидан то бўйнигача бўлган масофа 700 йиллик йўлдир».

Баъзи фаришталарга хос ишлар топширилган. Масалан, Жибрил алайҳиссаломга пайғамбарларга ваҳий олиб келиш топширилган.

Мийкоил алайҳиссаломга ёмғир ва наботот топширилган.

Исрофил алайҳиссаломга қиёмат қоим бўлганда сурни чалиш иши топширилган.

Малакул-мавт (ўлим фариштаси) жонларни олишга вакил қилинган.

Молик дўзахнинг посбонидир.

Аллоҳ таолонинг бачадонлардаги ҳомилаларга вакил қилинган фаришталари ҳам бор.

Айрим фаришталарга одамзотни асрраб-авайлаб юриш топширилган.

Баъзилари одам фарзандининг амалларини ёзиб боришади.

Айримлари қабрдаги майитни сўроқ-саволга тутишга вакил қилинган.

Ва ҳоказо.

Фаришталар ана шундай. Улар ғайб оламидир. Биз гарчи ўзларини кўрмасакда, уларнинг борлигига ишонамиз.

Оламда бизнинг кўзимиизга яширин бошқа мавжудотлар ҳам бор. Улар жинлардир. Жинлар ўтдан яратилган бўлиб, Аллоҳ таоло уларни инсонлардан аввал яратган. Аллоҳ таоло айтади: «**Маълумки, Биз инсонни** — (Одамнинг асли) қора ботқоқдан бўлиб (одам) сурати берилгач, қуритилган лойдан яратганмиз. Жинни (яъни, Иблисни) эса (Одамдан) илгари оташ-оловдан яратган эдик» (Ҳижр: 26, 27).

Улар ҳам ибодат қилишга буюрилганлар. Улар ичида ҳам мўминлари ва кофирлари бўлади. Тоат-ибодат қилувчилари ва осийлари бор.

Улар ахён-ахёнда инсонларга тажовуз ҳам қиладилар. Худди инсонлар ҳам уларга баъзан тажовуз қилиб туришгани каби.

Инсонларнинг уларга қиладиган тажовузлари жумласига қазои ҳожатдан сўнг суяк ва тезак билан истижмор қилишларини (яъни, тозаланишларини) киритиш мумкин. Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам суяк ва тезак ҳақида айтганлар: «Бу иккиси билан истинжо қилманглар, чунки улар жин биродарларингиз таомидир».

Жинларнинг инсонларга қиладиган тажовузларига мисол қилиб эса уларни васваса қилишларини, қўрқитишлиарини, беҳуш қилиб қўйишларини айтиш мумкин.

Мусулмон киши шаръий зикрлар воситасида улардан сақланиши мумкин. Масалан, «оятул-курсий», икки «қўул аъувзу»ларни, шунингдек, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ворид бўлган шаръий зикрларни ўқиш каби.

Аммо, уларга аatab қон чиқариш орқали уларга қурбат қилиш ва ёмонликларидан сақланиш мақсадида уларга дуо-илтижо қилишлар ширк суратларидан саналади.

Шубҳасиз, жин ва шайтонлар заиф ва ожиз, уларнинг макрлари ҳам заиф. Бироқ, инсоннинг гуноҳлари кўпайиб кетса, ҳаромга назар соладиган, ҳаром куй-қўшиқлар тинглайдиган бўлса, иймони заифлашиб, Аллоҳнинг зикридан ғофил бўлса ва шаръий зикрлар билан жинлардан қўрғонланишни одат қилмаса, улар унга ҳукмронлик қилишга қодир бўлиб оладилар.

Аллоҳ таоло шайтон ва унинг лашкари ҳақида айтади: «**Албатта, иймон келтирган ва ёлғиз Парвардигорларига таваккул қиладиган зотлар устида** (шайтон) учун ҳеч қандай салтанат — ҳукмронлик йўқдир. Унинг (шайтоннинг) ҳукмронлиги фақат (уни) дўст тутиб, (Аллоҳ)га шерик қилиб оладиган кимсалар устидадир» (Наҳл: 99, 100).

Самовий китобларга иймон келтириш

Самовий китоблардан мурод – Аллоҳ таоло халқларнинг ҳидояти учун пайғамбарлариға нозил қилған китоблардир. Улар кўп. Биз ҳаммасига иймон келтирамиз.

Аллоҳ таоло бизга улардан тўрттасини хабар берган. Улар Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга нозил қилинган Қуръон, Мусо алайҳиссаломга нозил қилинган Таврот, Ийсо алайҳиссаломга нозил қилинган Инжил, Довуд алайҳиссаломга нозил қилинган Забурдир.

Уларнинг ҳаммаси Аллоҳнинг Каломи. Қуръон уларнинг энг сўнгиси ва энг улуғидир. Аллоҳ таоло унда барча ўтган китобларда бўлган яхшиликларни жамлаган. Аллоҳ таоло айтади: «**Сизга эса (Эй Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўзидан олдинги китоб(ларни) тасдиқловчи ва у (китоблар) устида гувоҳ бўлган бу Китобни ҳаққирост нозил қилдик**» (Моида: 48).

Пайғамбарларга – алайҳимуссалом – иймон келтириш

Аллоҳ таоло ҳар бир умматга уларни ягона ва шериксиз Аллоҳнинг ибодатига чақириш учун элчилар юбориб турди. Элчиларнинг аввали Нух алайҳиссалом, сўнгиси эса Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламдирлар.

Пайғамбарларнинг адади жуда кўп бўлиб, Аллоҳ таоло улардан баъзиларини исмлари билан хабар берган, улар билан бўлган воқеаларни ҳикоя қилиб берган, баъзилари ҳақида эса хабар бермаган. Биз уларнинг ҳаммаларига иймон келтирамиз. Аллоҳ таоло айтади: «**Аниқки, Биз сиздан илгари (кўп) пайғамбарлар юборгандирмиз. Улардан Биз сизга ҳикоя қилиб берган кишилар ҳам бор, яна улардан Биз сизга ҳикоя қилмаган кишилар ҳам бордир**» (Фоғир: 78).

Улар ҳам инсондирлар, бошқа одамлардан фарқлари шуки, уларга ваҳий нозил бўлиб туради. Аллоҳ таоло айтади: «(Эй Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам, Уларга) айтинг: «**Ҳеч шак-шубҳа йўқки, мен ҳам сизлар каби бир одамдирман. Менга Тангрингиз ёлғиз Аллоҳнинг Ўзи экани ваҳий этилмоқда**» (Каҳф: 110).

Ҳа, улар ҳам ейдиган, ичадиган, касал бўладиган, вафот этадиган инсондирлар.

Уларнинг ҳаммаларига иймон келтириш фарздир. Ким уларан биргинасининг рисолатига коғир бўлса, ҳаммасига коғир бўлган бўлади.

Аллоҳ таоло Нух қавми ҳақида айтади: «**Нух қавми пайғамбарларни ёлғончи қилди**» (Шуъаро: 105). Ҳуд қавми ҳақида айтади: «**Од (қабиласи)**

пайғамбарларни ёлғончи қилди» (Шуъаро: 123). Ҳолбуки, ушбу умматлар фақат ўз пайғамбарларини ёлғончи қилғандилар. Бироқ, ҳамма пайғамбарларнинг рисолати битта бўлгани учун ким улардан биттасини ёлғончи қилса, ҳаммасини ёлғончи қилган бўлади.

Шунга кўра, Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни ёлғончи қилган ва у зотга эргашмаган насронийлар Ийсо ибн Марямни ҳам ёлғончи қилган бўладилар. Чунки, Ийсо алайҳиссалом уларга Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳақларида башорат берган ва у зотга эргашишга буюрган эдилар. Бироқ, улар бу буйруққа итоат қилмадилар. Яҳудлар ҳақида ҳам, бошқалар ҳақида ҳам айни гапни айтиш мумкин.

Охират кунига иймон келтириш

Яъни, бу ўлимдан кейин содир бўладиган нарсалар ҳақида Аллоҳ Ўз Китобида зикр қилган ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам хабар берган нарсаларга иймон келтириш демакдир.

Аввало, қабрда бўладиган азоб ва роҳатга иймон келтирамиз. Зоро, бу Китобу Суннат билан собит бўлган.

Аллоҳ таоло айтади: «**Фиръавн хонадонини ёмон азоб ўраб олди.** (У азоб бир) **оловдирки,** улар эртаю кеч ўшанга кўндаланг қилиниб (куйдирилурлар). **Қиёмат қойим бўладиган Кунда эса** (дўзах фаришталарига): «**Фиръавн хонадонини энг қаттиқ азобга киритинглар**», (дейилур)» (Ғоғир: 46).

Аллоҳ таоло мунофиқлар ҳақида айтади: «**Уларни қайта-қайта** (яъни, ҳаётлик пайтларида қатл қилиш, асир олиш билан, ўлганларидан кейин қабр азоби билан) **азоблаймиз.** **Сўнгра** (қиёмат кунида) **улуғ азобга қайтарилурлар**» (Тавба: 101). Ибн Масъуд розияллоҳу анху ва бошқалар айтганлар: «Биринчи азоб шу дунёда, иккинчиси қабрдаги азобдир. Сўнгра жаҳаннамдаги қаттиқ азобга қайтариладилар».

Қабр азоби ва қабрдаги роҳат ҳақида кўплаб ҳадислар келган. Ибнул Қаййим ва бошқалар бу ҳақдаги ҳадисларни мутавотир деб айтганлар. Бу ҳақда Суннатда 50дан ортиқ ҳадислар келган.

Жумладан, «Саҳиҳайн»да келган ҳадисда айтилишича, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам икки қабр ёнидан ўта туриб: «Бу иккиси азобланаяпти лекин катта бўлмаган (эҳтиёт бўлиш қийин бўлмаган ёки уларнинг назарида катта бўлмаган) гуноҳ хусусида азобланишяпти» дедилар. Кейин: «Йўқ, аслида у катта

гуноҳдир, улардан бири бавлидан (сийдигидан) сақланмас эди, иккинчиси чақимчилик қилиб юрарди», дедилар.

«Саҳиҳайн»даги яна бир ҳадисда айтилишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дуоларида: «Эй Аллоҳим, мен Сендан қабр азобидан паноҳ тилайман», дердилар.

Қабр азоби ва қабрдаги роҳат ғайбий ишлардан бўлиб, ақл билан қиёс қилинмайди.

Қуидагилар ҳам охиратга иймон келтириш жумласига киради:

Қайта тирилиш ва сур чалинган пайтда ўликларга жон баҳш этилишига, шунда улар ялангоёқ, яланғоч, хатна қилинмаган ҳолда туришларига.

Аллоҳ таоло айтгандек: «**Сўнгра шак-шубҳасиз сизлар** (эй инсонлар), **мана шундан** (яъни яралиб, ҳаётга келганингиздан) **кейин** (ажалларингиз битгач) албатта **вафот топувчидирсизлар**. **Сўнгра шак-шубҳасиз сизлар қиёмат кунида қайта тирилурсизлар**» (Муъминун: 15, 16).

Ҳисоб-китобга тортилишга, жазо ва мукофот олишга.

Аллоҳ таоло айтади: «**Зеро ёлғиз Ўзимизга қайтишлари бордир! Сўнгра уларни ҳисоб-китоб қилиш** (жазо бериш) **ҳам ёлғиз Бизнинг зиммамиздадир!**» (Фошия: 25, 26).

Жаннат ва дўзахга иймон келтириш.

Жаннат тақводорлар ҳовлисиdir. Унда кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган, инсоннинг дилига келмаган нарсалар бор.

Дўзах эса азоб ҳовлисиdir. Унда тасаввур қилиб бўлмас даражада азоблар бор.

Шунингдек, қиёматнинг кичик ва катта аломатларига, чунончи Дажжолнинг чиқишига, Ийсо алайҳиссаломнинг осмондан тушишларига, куннинг ботиш тарафидан чиқишига, ер жонивори (дobbатул-арз)нинг чиқишига ва бошқа нарсаларга иймон келтирамиз.

Шафоатга, ҳавз ва мезонга, Аллоҳ таолони кўришга ва шу каби охиратга тааллуқли ишларга иймон келтирамиз.

Қадарнинг яхшиси ва ёмонига иймон келтириш

Аллоҳ таоло халқларни яратишидан олдин ҳамма нарсани умумий ва батафсил ҳолатда билган ва уларни лавҳи маҳфузга ёзиб қўйган, У барча

борлиқни яратган эканига иймон келтирамиз. «**Аллоҳ барча нарсанинг Яратувчисидир. У барча нарсанинг устида вакил-ҳомийдир**» (Зумар: 62).

Борликда қандай бир ҳодиса юз бермасин, Аллоҳ таоло албатта унинг бўлишини билган ва унга изн бергандир. Аллоҳ таоло айтади: «**Албатта Биз ҳар бир нарсани (аниқ) ўлчов билан яратдик**» (Қамар: 49).

Ҳар бир инсонда хоҳиш-ирода ва қудрат бор. Улар воситасида у бир ишни қилишни ё қилмасликни ихтиёр этади. Агар истаса таҳорат қиласди, намоз ўқииди. Истаса, залопатга кетади, зино қиласди. Шунинг учун инсон ҳисобга тортилади ва жазо ё мукофотга эришади. Бинобарин, инсон фарзларни қилмаганига ёки ҳаромларга қўл урганига қадарни ҳужжат қилиб келтириши жоиз бўлмайди.

Қуидагилар иймонга путур етказадиган ишларга киради

Динни масхара қилиш. Зеро, бундай қилиш Исломдан чиқиб, муртад бўлиш саналади. Аллоҳ таоло айтади: «**Айтинг: Аллоҳдан, Унинг оятларидан, Унинг пайғамбаридан кулувчи бўлдингизми? Узр айтманглар! Сизлар иймон келтирганингиздан сўнг яна куфрга қайтдингиз**» (Тавба: 65, 66).

Шунга ўхшаш, баъзилар айтадиган, Ислом эски дин, у бизнинг асримизга ярамайди, деган сўз ёки Ислом реакцион ва қолоқлиқдир, деган сўзлар. Ёки ҳозирги замонавий қонунлар Исломдан кўра яхшироқ деб айтиш. Ёки тавҳидга чақирадиган, қабрларга сифинишдан қайтарадиган одамни экстремист, ваҳҳобий, мусулмонларни бўлиб ташловчи деб айтиш.

Аллоҳ туширган нарсадан бошқаси билан ҳукм қилиш иймонга энг қаттиқ зарба етказувчи нарсалар жумласидандир

Гап-сўзларда ҳам, иш-феълларда ҳам, баҳсу жанжалларда ҳам, бошқа ҳақ-ҳукуқларда ҳам Аллоҳнинг шариати билан ҳукм қилиш Унга иймон келтириш тақозоси саналади.

Бинобарин, ҳокимлар Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилишлари, раият (фуқаролар) ҳам Аллоҳ нозил қилган нарса бўйича ҳукм сўраб боришлари вожиб бўлади. Аллоҳ нозил қилгандан бошқа нарса билан ҳукм қилиш ва Аллоҳга иймон бир ўринда жамланмайди.

Аллоҳ таоло айтади:

«Йўқ, Парвардигорингизга қасамки, то улар ўз ўрталарида чиққан келишмовчиликларда сизни ҳакам қилмагунларича ва кейин сиз чиқарган

хукмдан дилларида ҳеч қандай танглик топмай, тўла таслим бўлмагунларича - бўйсунмагунларича зинҳор мўмин бўла олмайдилар» (Нисо: 65).

«Кимда-ким Аллоҳ нозил қилган дин билан ҳукм қилмас экан, бас, улар кофирлардир» (Моида: 44).

Демак, ҳамма нарсада – олди-сотдида, ўғирлиқда, зинода, ва бошқа ишларда Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилиш шарт. Аллоҳнинг ҳукми фақат никоҳ, талоқ ва шахсий аҳволларга чекланган эмас!

Кимда-ким одамлар учун қонунлар тузиб берса ва бу қонунларни Аллоҳнинг ҳукмидан кўра яхшироқ ва муносиброқ деб даъво қилса, у кофир бўлади. Ҳа, кофир бўлади!

Аллоҳ таоло айтади:

«Балки улар (Макка мушриклари) учун (куфр ва ширк каби) Аллоҳ буюрмаган нарсаларни — «дин»ни уларга шариат қилиб берган шериклари — бутлари бордир?!» (Шуро: 21).

«Динсизлик ҳукмрон бўлишини истайдиларми?! Иймонлари комил бўлган қавм учун Аллоҳдан ҳам гўзалроқ ҳукм қилувчи ким бор?!» (Моида: 50).

«Саҳих»да келган ҳадисда айтилишича, Аллоҳ таоло: **«Улар Аллоҳни қўйиб ўзларининг донишмандларини ва роҳибларини.. Парвардигор деб билдилар»** (Тавба: 31) оятини нозил қилганида Адий ибн Ҳотим: «Ё Расулуллоҳ, биз уларга ибодат қилмас эдик», деди. У зот: «Улар сизларга Аллоҳ ҳаром қилган нарсани ҳалол қилиб беришса, уни ҳалол санамасмидингиз. Аллоҳ ҳалол қилган нарсани ҳаром қилишса, ҳаром деб билмасмидингиз?!», дедилар. «Ҳа, шундай қилардик», дегач, «Мана шу уларга ибодат қилишдир», дедилар.

Кофирларни дўст тутиш ва мўминларга душманлик қилиш ҳам иймонга путур етказувчи нарсалар жумласидан

Шубҳасиз, мусулмонлар яҳуд, насоро ва бошқа мушриклардан бўлган кофирларни душман тутишлари, уларга дўстлик қилишдан сақланишлари лозим бўлади. Аллоҳ таоло айтганидек: **«Эй мўминлар, Менинг душманим ва сизларнинг душманларингиз (бўлган мушриклар)ни дўст тутманлар! Сизлар уларга дўстлик (ҳақида хат-хабар) юборурсизлар, ҳолбуки улар сизларга келган ҳақ (дин ва Қуръон)га кофир бўлгандирлар!»** (Мумтаҳана: 1).

Ҳатто, Аллоҳ таоло агар ота-она ва ака-укалар кофир бўлишса, уларга ҳам дўстона муносабатда бўлишдан қайтарди. Аллоҳ таоло айтади: **«Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирадиган қавмнинг Аллоҳ ва Унинг пайғамбариға**

мухолифлик қилган кимсалар билан — гарчи улар ўзларининг оталари, ёки ўғиллари, ёки оға-инилари, ёки қариндош-уруғлари бўлсалар-да — дўстлашаётгандарини топмассиз» (Мужодала: 22).

Бу маънода кўп оятлар бор. Уларнинг далолатига кўра, кофирларни Аллоҳга кофир бўлишгани учун, Унинг динига душман бўлишгани учун, Унинг дўстларига душманлик қилишгани учун, Исломга ва мусулмонларга нисбатан фириб-найранглар қилишгани учун ёмон кўриш ва душман тутиш лозим бўлади.

Аллоҳ таоло айтади: «**Уларнинг сизларни ёмон кўришлари оғизларидан ошкор бўлди. Дилларидаги адоватлари эса янада каттароқдир. Агар ақл юргизсангизлар сизлар учун оят-аломатларни аниқ-равшан қилиб бердик. Ҳой** (мўминлар), **сизлар уларни яхши кўрасизлар-у, улар сизларни сўймайдилар. Сизлар ҳамма китобларга иймон келтирасизлар-у** (улар сизларнинг китобингизга иймон келтирмайдилар). **Сизларга йўлиқканларида: «иймон келтирдик», дейишади. Ўзлари ҳоли қолишганда эса сизларни қаттиқ ёмон кўрганлари сабабли бармоқларини тишлиайдилар.** (Эй Муҳаммад соллалпоҳу алайҳи ва саллам, уларга): «Шу адоватларинг билан ўлиб кетинглар!» — деб айтинг! Албатта Аллоҳ дилларни эгаллаган сирларни билувчидир. Агар сизларга бирон яхшилик тегса, бу уларни хафа қиласди. Агар сабр-тоқат қилсангиз ва Аллоҳдан қўрқсангиз, уларнинг найранглари сизларга ҳеч қандай зарар қила олмайди. Албатта Аллоҳ уларнинг қилаётган амалларини иҳота қилувчидир» (Оли Имрон: 118-120).

Яхуд ва насороларнинг Исломга фириб-найранглар қилиш, мусулмонларга қарши уруш олиб бориш ва халқларни улардан нафратлантириш, одамларни Исломдан тўсиш учун улкан маблағлар сарфлаш каби олиб бораётган ишлари бугун ҳеч кимга сир эмас.

Айрим мусулмонларнинг кофирларни дўст тутишларининг бугунги кундаги айрим қўринишлари:

Даъват мақсади бўлмаган ҳолда улар билан аралашиб юришлари ва уларга дўстона муносабатда бўлишлари;

Заруратсиз уларнинг диёrlарига сафар қилишлари ва у ерларда яшаб туришлари;

Кийиниш, ташқи қўринишда, умуман ҳаёт тарзида уларга ўхшашга уринишлари;

Заруратсиз уларнинг тилларида сўзлашишлари ва ҳоказо.

Қуидагилар иймонга путур етказувчи энг катта ишлар жумласидандир:

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларини камситиш, уларни ҳақорат қилиш, ёки у зотнинг аҳли байтларини камситиш.

Биз Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларини яхши кўрамиз. Бироқ, улардан бирорталарининг муҳаббатларида ғулув кетмаймиз. На Алий розияллоҳу анҳунинг, на бошқасининг муҳаббатида .

Улардан бирорталаридан ўзимизни пок ва безор ҳам деб санамаймиз. Уларни ёмон кўрганларни ёмон кўрамиз.

Уларни фақат яхшилик билан тилга оламиз. Аллоҳ таоло айтади: «**Муҳожир ва ансорларнинг биринчи пешқадамлари ва уларга чиройли амаллар билан эргашган зотлар — Аллоҳ улардан рози бўлди ва улар ҳам Ундан рози бўлдилар**» (Тавба: 100).

Аҳли сунна вал-жамоанинг саҳобалар ўртасида бўлиб ўтган ихтилофлар ва жанглар хусусида тутган йўллари – улардан тийилишдир. Улар ҳам инсон бўлишган, инсон хатодан холи эмас. Аллоҳ таоло ушбу фитналарга аралashiшдан қиличларимизни сақлаган экан, энди биз тилларимизни ҳам ундан сақлашимиз лозим. Айтамизки, уларнинг қиёмат куни ҳаммаларини жамлаб, ўрталарида ҳукм қиласиган Парвардигорлари бор.

Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кейин халифаликни Абу Бақр розияллоҳу анҳуга исбот қиласиган. Зотан, у киши умматнинг энг пешқадами ва энг афзал кишиси бўлганлар. Сўнг Умар розияллоҳу анҳуга, сўнг Усмон розияллоҳу анҳуга, сўнг Алий розияллоҳу анҳуга исбот қиласиган.

Қуидагилар ҳам иймонга путур етказадиган ишлардан

Баъзи мусулмонлар ўзларини Аллоҳга яқинлаштиради деган гумонда пайдо қиласиган бидъатлар.

Масалан, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мавлудлари муносабати билан йиғилиш қилиш. Издиҳом асносида ўринларидан туришлари. У зотга салом беришлари.

Азиз-авлиёлар, солихларнинг мавлудлари муносабати билан йиғилишлар.

Булар ҳаммаси диндаги бидъатлар бўлиб, на Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам, на саҳобалари қилганлар.

Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Ким бизнинг бу ишимизда ундан бўлмаган бир ишни пайдо қилса, у мардуддир (рад этилажак)», деганлар (Имом Муслим ривояти).

У зот соллалпоху алайҳи ва саллам яна айтганлар: «(Динда) янги пайдо қилингандан ишлардан сақланинглар. Зоро, ҳар бир янги пайдо қилингандан иш бидъат ва ҳар бир бидъат залопатдир» (Абу Довуд ва Термизий ривоятлари).

Аллоҳ таоло айтади: **«Бугун сизларга динингизни комил қилдим, неъматимни бенуқсон, тўкис қилиб бердим ва сизлар учун (фақат) Исломни дин қилиб танладим»** (Моида: 3).

Бу каби мавлудларни пайдо қилиш – Аллоҳ бу динни мукаммал қилмаган, ҳатто кейинги асрлар аҳли ўзларини Аллоҳга яқинлаштиришини даъво қилган ушбу маросимларни пайдо қилиш билан динни мукаммал қилганлар, деган маънони билдиради. Бу эса Аллоҳ ва Расулига бўлган эътиroz бўлади.

Агар мавлудхонлик маросимлари Аллоҳ рози бўладиган диндан бўлганида эди, албатта Набий соллалпоху алайҳи ва саллам умматга бу ҳақда хабар берган бўлардилар.

Ваҳоланки, уламолар мавлудхонлик маросимларини очик-ойдин инкор қилганлар, уни кейинчалик пайдо қилингандан бидъатлигини эълон қилганлар.

Айниқса, улар ичида Расулуллоҳ соллалпоху алайҳи ва саллам ҳақларида ғулув кетиш содир бўлса, эркак-аёллар орасида аралашиш ҳосил бўлса, ёки мусиқа асбоблари ишлатилса, унинг мункарлиги яна-да ортади.

Баъзан бу каби маросимларда Расулуллоҳ соллалпоху алайҳи ва салламга дуо-илтижо қилиш, у зотдан мадад тилаш, у зотни ғайбни билишларини даъво қилиш билан катта ширк ҳам юз беради. Бу эса куфр ишларидандир.

Айримлар Бувсирийнинг қуидаги мазмундаги байтларини тақорорлашади:
«Эй ҳалқларнинг энг улуғи бўлган зот! Бошимга кўргуликлар тушган пайтда сиздан бошқа нажоткорим йўқдир.

Агар қиёмат куни сиз мени мағфират қилиб, қўлимдан тутмасангиз, қадамларим тойилиб кетиши аниқдир!

Дунё ва охират сизнинг фазлу карамингиздандир, лавҳу қалам илми сизнинг илмингиздандир».

Бу каби васфлар – ғайбни билиш, қиёмат куни мағфират қилиш, дунё ва охиратга ҳукм юритиш фақат ва фақат осмонлару ернинг мулки Қўлида бўлган Зотга тегишлидир.

Бу каби нарсалар Набий соллалпоху алайҳи ва салламнинг мавлудлари ёки бошқа азиз-авлиёларнинг мавлудлари муносабати билан ўтказиладиган маросимларда кўп содир бўлади.

Агар бизга эътиroz билдириб: «Бу мавлудхонлик йиғилишларида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни зикр қилинади, у зотнинг сийратлари ўқилади», дейилса, биз айтамизки: «Тўғри, бу яхши гап. Лекин, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни зикр қилишни, сийратларини ўқишни йилнинг маълум ой-кунларига чекламасдан, минбарларда, маърузаларда, умумий йиғинларда қилса ҳам бўлаверади-ку!».

Аллоҳ таоло айтган: «**Бордию бирон нарса ҳақида талашиб қолсангиз,— агар ҳақиқатан Аллоҳга ва охират кунига ишонсангиз — у нарсани Аллоҳга ва пайғамбарига қайтарингиз! Мана шу яхшироқ ва чиройлироқ ечимдир**» (Нисо: 59).

Биз шу амри илоҳийга бўйсуниб, мавлудхонлик маросимлари масаласида Аллоҳнинг Китобига мурожаат қилиб кўрдик. Аллоҳнинг Китоби бизни пайғамбарамизга эргашишга чақирибди ва ушбу диннинг комил қилингани ҳақида хабар берибди.

Шундан сўнг биз мавлудхонлик маросимларини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларидан қидириб кўрдик. Бироқ, на у зотнинг ўзлари қилганларини, на бунга буюрганларини ва на саҳобалари қилганларини топдик. Шундан билдики, бу нарса диндан эмас экан. Балки, у кейин пайдо қилинган бидъат экан.

Балки, бу яҳуд ва насороларга уларнинг байрамлари хусусида ўхшашга уриниш экан.

Оқил одам қўпчилик одамларнинг қилаётганилиги билан алданиб қолиши муносиб эмас. Аллоҳ таоло айтади: «**Ер юзидағи кимсаларнинг жуда кўпларига итоат қиласидиган бўлсангиз, сизни Аллоҳнинг йўлидан оздирурлар**» (Анъом: 116).

Энг қизиги

Баъзи одамлар бидъат маросимларда иштирок этишга қаттиқ ҳаракат қилишади, бироқ жумъя ва жамоат намозларига жуда бепарво қарашади.

Баъзилар мавлудхонлик маросимига Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳозир бўладилар, деб гумон қилишади. Шу боис марҳабо айтиб, ўринларидан туришади.

Бундай қилиш жаҳолат ва ботил ишдир. Чунки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўз қабрларидалар. У зот қиёматдан олдин ундан чиқмайдилар. У зотнинг рухлари Иллийинда, Раббилари ҳузуридаги Каромат ҳовлисидадир..

Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мен қиёмат куни қабри биринчи бўлиб ёриладиган кишиман», деганлар.

Аммо, у зотга салавот ва салом айтишга келсак, бу энг афзал ибодатлардан саналади. Аллоҳ таоло айтади: **«Албатта Аллоҳ ҳам, Унинг фаришталари ҳам пайғамбарга дуюю салавот айтурлар. Эй мўминлар, сизлар ҳам у зотга саловот ва саломлар айтинглар!»** (Аҳзоб: 56).

Ҳаммамиз биламизки, банданинг иймони то у Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни яхши кўрмагунича ва улуғламагунича комил бўлмайди.

У зотни улуғлаш ва ҳурмат қилиш у зотни имом билиб, у зотга эргашиш билан ҳосил бўлади. У зот шаръий қилиб берган ибодатлардан тажовуз қилмаслик билан бўлади.

Аллоҳ таоло айтади: **«Айтинг** (эй Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **Агар Аллоҳни севсангиз, менга эргашинглар. Шунда Аллоҳ сизларни севади ва гуноҳларингизни мағфират қиласди. Аллоҳ** (гуноҳларни) **мағфират қилувчи, меҳрибондир**» (Оли Имрон: 31).

Қуйидагилар кенг тарқалган бидъатлар жумласидандир

Рамазоннинг 27-кечасини йиғилиш билан ўтказиш

Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Рамазондаги одати шарифалари ибодатни кўпайтириш эди. Айниқса, охирги ўн кунликда ибодатга зўр берардилар.

«Саҳиҳайн»да келганки, Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким Рамазонда иймон билан, савоб умидида (тунги намозда) қоим бўлса, унинг ўтган гуноҳлари кечирилади», деганлар, «Ким Қадр кечасида иймон билан, савоб умидида (намозда) қоим бўлса, унинг ўтган гуноҳлари кечирилади», деганлар.

Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Рамазондаги ва Қадр кечасидаги йўллари шу эди.

Аммо, энди йигирма еттинчи кечани Қадр кечаси деб йиғилишлик Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўлларига хилоф, бу муносабат билан маросим ўюштириш бидъатдир. Хоссатан, қадр кечаси баъзан йигирма еттинчи кечада бўлса, баъзан бошқа кечаларда ҳам бўлиши мумкин.

Исро ва меъроҳ кечасида йиғилиш қилиш

Шубҳасиз, исро ва меъроҳ Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳақ пайғамбарликларига далолат қилувчи белгилардан.

Исро ва меъроҳ Китоб ва Суннатда собит бўлган.

Исро ва меъроj бўлиб ўтган кечанинг на Ражабнинг, на бошқа ойнинг қайси кечаси бўлганини аниқ билдирувчи саҳих ҳадислар мавжуд эмас.

Мабодо, аниқ бўлган тақдирда ҳам, уни ибодат ё маросимларга хослаш жоиз эмас.

Чунки, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва асҳоблари бу кеча муносабати билан йиғилиш қилмаганлар, унга бирон ибодатни хосламаганлар.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам рисолатни етказганлар, омонатни адо этганлар. Агар ушбу кечани улуғлаш ва шу муносабат билан маросим ўтказиш Аллоҳнинг динидан бўлганида, у зот албатта буни баён қилган бўлардилар.

Шаъбоннинг ўртасидаги кечада йиғилиш қилиш, унинг наҳорини рўзага хослаш

Бунга ҳам эътимод қилса бўлгудек далил келмаган. Унинг фазли ҳақида суюнишга ярамайдиган заиф ҳадислар келган.

Аммо, бу кечада намоз ўқишининг фазли ҳақида келган ҳадислар ҳаммаси мавзуъ (тўқима)дир. Бу ҳақда Ибн Ражаб огоҳлантирганлар.

Ибн Ваддоҳ Зайд ибн Асламдан ривоят қилади: «Машойихларимиздан ва фуқаҳоларимиздан бирорталарини Шаъбоннинг ўртасидаги кечага илтифот қилганларини билмадик».

Ва ниҳоят

Уламолар зикр қилишларича, мусулмон киши баъзан динни бузувчи бир қанча амаллар сабабли динидан муртад бўлиб, қони ва моли ҳалол бўлиб қолади. Шу билан Исломдан чиқиб қолади.

Улар ичida энг хатарлилари ва энг кўп содир бўладиганлари ўнта ишdir:

Биринчи: Ибодатда Аллоҳ таолога ширк келтириш. Бу ҳақда айтиб ўтилди.

Иккинчи: Ким ўзи билан Аллоҳ ўртасида воситачилар қилиб, уларга дуо қилса, улардан шафоат сўраса, уларга таваккул қилса, билиттифоқ кофир бўлади.

Учинчи: Ким мушрикларни кофир санамаса ё уларнинг кофирилклирига шубҳа қилса ё уларнинг йўлларини тўғри санаса, кофир бўлади.

Тўртинчи: Ким Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўлларидан бошқа йўл у зотнинг йўлларидан кўра мукаммалроқ деб эътиқод қилса, ёки бошқанинг ҳукмини у зотнинг ҳукмларидан яхшироқ деб билса, масалан, тоғутларнинг (яъни

золим ҳокимларнинг) ҳукмини у зотнинг ҳукмларидан яхшироқ деб билса, кофир бўлади.

Қуидагилар ҳам шунга киради: Ким инсонлар тузган қонун-қоидаларни Ислом шариатидан афзал ё унга тенг деб кўрса, ёки ўша қонунлар билан ҳукм қилиш жоиз деб эътиқод қилса (хатто, агарчи шариат билан ҳукм қилиш афзал деб эътиқод қилса ҳам), ёки Ислом низомини татбиқ қилиш ҳозирги асрга ярамайди деб эътиқод қилса, ёки Ислом низоми мусулмонларнинг қолоқликка кетишларига сабаб бўлди деб ёки уни инсоннинг Парвардигори билан бўлган алоқасига чеклаб, ҳаётнинг бошқа тармоқларига аралаштирмаслик керак деб эътиқод қилса.

Шунингдек, ўғрининг қўлини кесиш ё турмуш кўрган бўла туриб, зинокорлик қилган кишини тошбўрон қилиш ҳозирги асрга тўғри келмайди деб эътиқод қилса.

Шунингдек, муомалаларда ёки ҳад (шаръий жазо)ларда ё бошқасида Аллоҳнинг шариатидан бошқа билан ҳукм қилиш жоиз деб эътиқод қилса, гарчи уни шариат ҳукмидан афзал деб эътиқод қилмаса ҳам. Чунки, бу билан Аллоҳ ҳаром қилган нарсани ҳалол санаган бўлади. Кимки, динда маълум-у машҳур бўлган, масалан, зинокорлик, маст қилувчи ичимлик ичиш, судхўрлик, Аллоҳнинг шариатидан бошқа билан ҳукм қилиш каби Аллоҳ ҳаром санаган нарсани ҳалол санаса, (юқорида санаб ўтилган эътиқодлардан биронтаси унда топилса) у мусулмонлар ижмоъи-иттифоқи билан кофирдир.

Бешинчи: Ким Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам келтирган шариатдан бирон нарсани ёмон кўрса – гарчи ўзи унга амал қилса ҳам – кофир бўлади. Чунки, Аллоҳ таоло: «**Кофир бўлган кимсалар учун эса ҳалокат бўлур ва (Аллоҳ) уларнинг амалларини зое кетказур. Бунга сабаб уларнинг Аллоҳ нозил қилган нарсаларни** (яъни, Қуръон ва ундаги ҳукмларни) **ёмон кўрганлари**дир. **Бас, (Аллоҳ) уларнинг амалларини беҳуда кетказди**», деди (Муҳаммад: 8, 9).

Олтинчи: Ким Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг динидан ёки бу диндаги савоб ё иқобдан бирон нарсани масхара қилса, кофир бўлади. Далил Аллоҳ таолонинг қуидаги оядидир: «**Айтинг: Аллоҳдан, Унинг оятларидан, Унинг пайғамбаридан куловчи бўлдингизми? Узр айтманглар! Сизлар иймон келтирганингиздан сўнг яна куфрга қайтдингиз**» (Тавба: 65, 66).

Еттинчи: Сеҳргарлик. Шу жумладан, иситма-совутма қилиш (яъни, эр-хотинни бир-бирига иситиш ё совутиш). Ким шу ишларни қилса ё унга рози бўлса, кофир бўлади. Далил Аллоҳ таолонинг қуидаги сўзидир: «**Холбуки, у фаришталар: Биз фақатгина фитнамиз** (яъни одамларни алдаб имтиҳон қилиш учун

юборилғанмиз), **бас**, (биз айтган нарсаларни қилиб) **коғир бўлиб қолма**, **демасдан туриб ҳеч кимга ҳеч нарса ўргатмас эдилар**» (Бақара: 102).

Саккизинчи: Мушриклар билан ҳамкорлик қилиш ва мусулмонлар зиддига уларга ёрдам бериш. Аллоҳ таоло айтади: **«Сизлардан ким уларга дўст бўлса, бас, у ўшалардандир. Албатта, Аллоҳ золим қавмни ҳидоят қилмас»** (Моида: 51).

Тўққизинчи: Кимда-ким айрим кишиларга Муҳаммад соллалпоҳу алайҳи ва салламнинг шариатларидан чиқиши жоиз бўлади, худди Хизрнинг Мусо алайҳиссалом шариатидан чиқиши дуруст бўлгани каби, деб эътиқод қилса, – айрим сўфийлар улардан шаръий таклифотлар соқит бўлганини даъво қилишгани каби – ундан одам коғир бўлади. Чунки, Аллоҳ таоло айтган: **«Кимда-ким Исломдан ўзга дин истаса, бас** (унинг «дини» Аллоҳ ҳузурида) **ҳаргиз қабул қилинмайди ва у охиратда зиён кўрувчилардандир»** (Оли Имрон: 85).

Ўнинчи: Аллоҳнинг динидан юз ўгириш. Уни ўрганмаслик ва унга амал қилмаслик. Далил Аллоҳ таолонинг қуидаги сўзидир: **«Ўз Парвардигорининг оятлари билан панд-насихат қилинганидан сўнг, улардан юз ўгириган кимсадан ҳам золимроқ ким бор?! Албатта Биз ундан жиноятчи кимсалардан интиқом оловчидирмиз»** (Сажда: 22).

Бенамозлиқдан сақланинг!

Энг катта жиноят ва энг улкан гуноҳ – намозни тарқ қилишдир!

Бенамозлар шайтоннинг ёрдамчилари. Раҳмоннинг душманлари. Мўминларнинг рақиблари. Коғирларнинг дўстлари.

Улар қиёмат майдонида Фиръавн ва Ҳомонлар билан турадилар. Улар билан бирга дўзахга кирадилар.

И мом Муслим ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллалпоҳу алайҳи ва саллам: «Киши билан куфр – ёки ширк – ўртасида намозни тарқ қилиши туради», деганлар.

И мом Термизий ва И мом Ҳоким саҳиҳ санад билан Абдуллоҳ ибн Шақиқдан ривоят қилишларича, Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу: «Расулуллоҳ соллалпоҳу алайҳи ва саллам асҳоблари амаллар ичида фақат намозни тарқ этмоқнигина куфр деб билардилар», деганлар.

Шайх Усаймин раҳимаҳуллоҳ айтганлар: «Агар бернамозни куфрға ҳукм қилсак, бу унга муртадларга қўлланиладиган ҳукмлар қўлланиши кераклигини тақозо қиласди. Уни никоҳлаш дуруст бўлмайди. Агар бернамоз ҳолида никоҳ қилинган

бўлса, никоҳи ботил бўлади. Агар никоҳ ақди тузилганидан кейин намозни ташласа, никоҳи бекор бўлади, аёли унга ҳалол бўлмайди. У сўйган ҳайвонни еб бўлмайди, чунки ҳаром бўлади. Уни Маккага киритилмайди. Бирон қариндоши вафот этса, унинг меросда ҳаққи бўлмайди. Ўлса, ювилмайди, кафланмайди, жаноза ўқилмайди, мусулмонлар қабристонига қўйилмайди. Қиёмат куни коғирлар билан бирга туради. Жаннатга кирмайди. Аҳли-оиласи унга раҳмат ва мағфират тилаб дуо қилишлари дуруст бўлмайди, чунки у коғирдир».

Бенамозларнинг ўлим пайтидаги ҳолатлари жуда оғир ва қўрқинчлидир.

Ибнул Қайим раҳимаҳуллоҳ зикр қилади:

Гуноҳларга кўмилиб юрган ва тоат-ибодатларга бепарво бир одамга ўлим вақти яқинлашганда яқинлари унинг атрофига йиғилишиб, унга Аллоҳни эслатиб, «ла илаҳа иллаллоҳ»ни талқин қила бошладилар.

У кўз ёшларини базур тиярди. Жон чиқиш пайти етгач, у бор овози билан ҳайқирди: «Мен «ла илаҳа иллаллоҳ» дейинми?! Энди менга «ла илаҳа иллаллоҳ» нима фойда етказа оларди?! Умримда Аллоҳ учун бир бор намоз ўқиганимни билмайман!!». Шундай деб унинг жони узилди.

Омир ибн Абдуллоҳ ибн Зубайр ўлим тўшагида ётиб, сўнгги нафасларини санаркан, аҳли-оиласи атрофида йиғлаб ўтиришарди. Ўлим билан олишаркан, муazzиннинг шом намозига аzon чақираётгани унинг қулоғига кирди. Нафаси бўғзида хириллаб турганди. Жон бериши қийинлашиб, анча қийналганди.

Азонни эшитгач, ёнидагиларга:

- Қўлимдан ушлаб, тургизинглар, – деди.
- Қаёққа?! – дейишиди.
- Масжидга.
- Шу ҳолда-я?!
- Субҳаналлоҳ!! Намозга чорловчининг овозини эшитиб туриб, ижобат қилмайманми?! Қўлимдан ушланглар!!

Икки киши унинг қўлтиқларидан олди. Имом билан бир ракъат намоз ўқигач, саждада жони узилди. Ҳа, саждада жон берди!!

Ато ибн Соиб айтади:

Абу Абдурраҳмон ас-Суламийнинг олдига кирдик. У бемор ҳолида масжидда жойнамози устида экан. Аҳволи анча оғирлашиб қолган, жон таслим қилиш олдида эди. Унга раҳимимиз келиб: «Тўшагингизга ётсангиз, анча енгил тортармидингиз.», дедик. У аранг нафас оларкан, деди: Менга фалончи сўзлаб беришича, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Биронтангиз (масжидда) намозни кутиб ўтирас

экан, намозда тургандай (савобга эга) бўлади», деган эканлар. Мен мана шу ҳолда жоним олинишини истайман.

Ким намозни барпо қиларкан, Хожасининг тоатида сабр қиларкан, умрининг хотимасида Унинг ризосига етишади.

Саъд ибн Муоз розияллоҳу анҳу солиҳ ва тоат-ибодатли зот эди. Тун уни тунги ийғилар билан таниган, кундуз эса намоз ва истиғфор билан таниган эди.

Бану Қурайза ғазотида жароҳатланди. Бир неча кун ётиб, вафот этди.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга унинг вафоти хабари етгач, саҳобаларга: «Юринглар уникига», дедилар. Жобир розияллоҳу анҳу айтади: «У зот (йўлга) чиқдилар, биз ҳам чиқдик. Қадамларини тезлатдилар, (у зотга етиб юрамиз деб) ҳатто оёқ кийимларимизнинг или узилиб кетди, ридоларимиз тушиб қолди. Асҳоблари у зотнинг шошилишларидан ажабланганларида: «Малоикалар биздан илгари бориб, уни ҳам худди Ҳанзалани ювгандек ювиб қўйишмасин деб кўрқаман», дедилар.

Саъднинг уйига етиб боришганда у вафот этган, асҳоблари уни ювишаётган, онаси йиғлаб ўтиради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳар бир йиғловчи аёл ёлғондан йиғлайди, Саъднинг онаси бундан мустасно», дедилар.

Сўнгра уни қабрга әлтиш учун кўтариб кетдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам уни кузатиб бордилар. Одамлар: «Ё Расулуллоҳ, бундан кўра енгилроқ майитни кўтармаганмиз», дейишиди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Нега ҳам енгил бўлмасин, ахир шу кунгача (ер юзига) тушмаган шунча-шунча малоика тушиб келиб, уни сизлар билан бирга кўтардилар. Жоним Қўлида бўлган Зотга қасамки, малоикалар Саъднинг руҳига хушхабар бердилар, унинг вафотидан Арш ҳам ларзага келди», дедилар.

«Албатта, иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотлар учун Фирдавс боғлари манзил бўлур. Улар у жойларда мангу қолар эканлар, (бошқа бирон жойга) кўчишни истамаслар» (Қаҳф: 107, 108).

Энг катта гуноҳлардан яна бири закот бермаслиқдир. Закот Ислом рукнларидан учинчи рукнdir.

«Саҳиҳ Муслим»да келган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Қай бир тилла ва кумуш эгаси уларнинг ҳақини (яъни закотини) адо этмаса, қиёмат куни ўтдан бўлган тамға қилиниб, уни жаҳаннам оловида қиздирилиб, у кишининг биқинига, пешонасига, орқасига босилади. Совуб қолса, яна қайтадан (қиздириб) олиб келинади, миқдори эллик минг йилга тенг бўлган

бир кунда, то бандалар ўртасида ҳукм қилиб бўлингунча (шундай қилинади), сўнг у ўзининг ё жаннатга, ё дўзахга бўлган йўлини кўради».

И мом Бухорий ривоят қилан ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Кимга Аллоҳ мол-дунё берган бўлса-ю, унинг закотини адо этмаган бўлса, мол-дунёси Қиёмат куни кўзлари устида иккита нуқта бўлган, (захри кучлилигидан) боши ялтираб кетган катта илонга айланиб, уни ўраб олади, сўнг уни жағлари орасига олиб: «Мен сенинг молингман, мен сенинг хазинангман», дейди». Сўнг Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам қуидаги оятни ўқидилар: «**Аллоҳ фазлу қарами билан ато қилган нарсаларнинг** (закотини) **беришга бахиллик қилган кимсалар ҳаргиз бу қилмишларини ўzlари учун яхшилик деб ҳисобламасинлар!** Йўқ, бу қилмишлари ўzlари учун ёмонлиқдир. **Бахиллик қилиб бермаган нарсалари Қиёмат Кунида бўйинларига ўралажак!** (Барча жонли-жонсиз нарсалар кетар ва) **осмонлару Ер мерос бўлиб Аллоҳнинг ўзига қолур. Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир**» (Оли Имрон: 180).

Сўзим охирида

Мұхтарам биродарим! Мұхтарама сингилжон!

«Эй қавмимиз, Аллоҳга даъват қилувчи(нинг даъвати)ни қабул қилинглар ва унга иймон келтиринглар, (шунда Аллоҳ) сизларнинг гуноҳларингизни мағфират қилур ва сизларга аламли азобдан паноҳ берур» (Аҳкоф: 31).

Аллоҳга қасамки, мен сизга холис насиҳат қилувчиман. Мана, ҳақ сизга равшан бўлди. Билдингизки, дин битта, бўлинмас экан. Аллоҳдан ўзга барҳақ маъбуд йўқ. У абадий тирик ва барҳаётдир. Ягона ва беҳожат Зотдир. У ўзига бошка бирорвинг шерик қилинишига рози бўлмайди.

Сиз **«Албатта бизлар ота-боболаримизни бир миллат — дин устида топғанмиз ва албатта бизлар уларнинг изларидан бориб ҳидоят топувчиридирмиз»** (Зухруф: 22) дейдиган кишилардан бўлиб қолманг, балки: «Биз мувахҳидмиз, тоат-ибодат қилувчимиз, ҳақ динга эргашувчимиз» деб айтинг.

Мозорларга бориб қон чиқараётган, қабрлар олдида Аллоҳга ширк келтираётган кишиларнинг кўплиги сизни алдаб қўймасин!.

Мозорда ётган пирларининг мусибатларни аритишлари, дуоларни ижобат қилишлари ҳақида улар тўқиган қисса ва афсоналарнинг кўплиги бошингизни айлантириб қўймасин!.

Набий соллаллоху алайҳи ва салламнинг амакилари Абу Толибни кўринг. У Набий соллаллоху алайҳи ва салламнинг ҳақ пайғамбар эканларини, Ислом ҳақ дин эканини тасдиқлаган эди. Бут-санамларга сифинишни ташлаган эди. Ҳатто, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламга хитоб қилиб, қуидаги мазмунда шеър ўқиган эди:

«Аллоҳга қасамки, улар ҳаммаси бир бўлиб ҳам то мен тупроқға бош қўймагунимча сизга тега олмайдилар.

Сиз мени даъват қилдингиз ва мен сизнинг холис насиҳатчи эканингизни билдим. Сиз рост айтдингиз ва сиз ичимиизда энг омонатли кишимизсиз.

Сиз шундай динни намоён этдингизки, мен унинг оламдаги энг яхши дин эканини билдим.

Маломат ва ҳақоратлардан қўрқувим бўлмаганда эди, менинг бу динга қучоқ очганимни кўрган бўлардингиз».

Лекин, ота-боболарига хилоф қилишдан қўрқиши уни ҳақ динга эргашишига монеълик қилди.

Қаранг, кексайиб, мункиллаб қолган ҳолида, ўлим тўшагида ётганида Набий соллаллоху алайҳи ва саллам унинг бошида туриб, кўз ёшларини зўрға тийиб: «Эй амаки, «лаилаҳа иллаллоҳ» денг, «лаилаҳа иллаллоҳ» денг», дедилар.

Қурайш кофирлари ҳам унинг бошида туриб олишганди. У ҳар сафар энди тавҳид калимасини айтишга чоғланганида улар: «Абдулмутталибининг динидан юз ўгирасанми?!» деб қайтаришарди.

Набий соллаллоху алайҳи ва саллам уни калимаи шаҳодатни айтишга чорлашдан тўхтамас, улар ҳам ота-боболарининг динидан юз ўгирмасликка чорлашдан чарчашмас эди.

Шундай қилиб, у ота-боболарининг динида вафот этди. Бутпастлиқда, Аллоҳга ширк келтирган ҳолда ўлди.

Ўлди. Ва бу дунёдан кетди. Унинг қароргоҳи энди жаҳаннам бўлди. Зотан, Аллоҳ таоло жаннатни кофирларга ҳаром қилган.

«Саҳиҳайн»да келган ҳадисда айтилишича, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламдан: «Ё Расулуллоҳ, амакингиз сизни эҳтиётлар эди, сизга ёрдам берарди. Сиз ҳам ундан (Аллоҳнинг азобидан) бирон нарсани беҳожат қилдингизми?», деб сўралди. У зот дедилар: «Ҳа. Мен уни дўзах гирдoblари ичida қўрдим. Сўнг уни дўзахнинг юзасига чиқардим. Икки оёғи остида иккита чўғ бўлиб, улар билан унинг мияси қайнаб туради».

Бутларни майдалаб ташлаган, Байтуллоҳни бино қилган Иброҳим алайҳиссаломни кўринг.

Хожаси йўлида имтиҳонларга гирифтор бўлган, Аллоҳ йўлида азоб тортган зот эди. Шу киши ҳам қиёмат куни ўз отасига ҳам ёрдам беролмайди. Чунки, отаси Аллоҳга ширк келтирган ҳолда ўтганди.

«Саҳиҳул Бухорий»да ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:

Қиёмат куни Иброҳим отаси Озарга йўлиқади. Озарнинг юзида чанг-ғубор ва қоралик бўлади. Иброҳим унга: «Менга осий бўлманг деб айтмаганмидим сизга?!», дейди. «Мана, бугун сенга осий бўлмайман», дейди отаси.

Иброҳим айтади: «Эй Парвардигор! Сен қайта тириладиган кунда мени шарманда қилмасликка ваъда берган эдинг. (Рахматингдан) узоқлатилган отамнинг шармандалигидан кўра ёмонроқ шармандалик борми?!».

Шунда Аллоҳ таоло айтади: «Мен жаннатни кофирларга ҳаром қилдим».

Сўнг айтилади: «Эй Иброҳим! Оёқларинг остидаги нима?»

Қараса, (отаси) булғаниб ётган бир бўри(га айланиб қолган).

Унинг оёқларидан ушлаб, дўзахга ташланади.

Огоҳ бўлинг ва шуларнинг ҳаммасини ёдда тутинг.

«У Кунда киши ўз оға-инисидан ҳам, онаси ва отасидан ҳам, хотини-ю, бола-чақасидан ҳам қочур! 37. (Чунки) улардан ҳар бир киши учун у Кунда ўзига етарли ташвиш бўлур!» (Абаса: 34-37).

«У кунда на молу-давлат ва на бола-чақа фойда бермас. Магар Аллоҳ ҳузурига тоза дил билан келган кишиларгагина (фойда берур)» (Шуъаро: 88, 89).

Ҳаққа қайтувчи бўлинг, бошқаларга насиҳат қилувчи бўлинг, тавҳидга чорловчи бўлинг.

Барчамизга Аллоҳдан рушду ҳидоят сўрайман. Валлоҳу таъала аъلام.

Аллоҳ таоло Пайғамбаримизга, у зотнинг аҳли ва асҳобига саловоту саломлар йўлласин.

1.11.1430ҳ, 19.10.2009м.